

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

www.bneenia.com

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,
1436, Рабиул аввал, 3-сон

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَّسَلِّمْ

صَلَوةً





**«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

*Муяссар Қаюмова
Гўзал Дадамуҳамедова
Ирода Аҳмедова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Гулишода Мўминова
Зарнигор Аҳмадалиева
Умму Муҳаммад Билол*



Дизайнер Равшан Маликов



Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com



**МЎМИНЛАРГА МАРҲАМАТЛИ,
МЕХРИБОН БЎЛГАН РАСУЛ КЕЛДИ**



**ИСЛОМ ДИНИНИ АНГЛАШДА
ПАЙҒАМБАРИМИЗ
СИЙРАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**



АЗОН ЭШИТУВЧИГА МУСТАҲАБЛАР



САЛАВОТ НИМА?



**БИР ОЙДА 3000 САЛАВОТ
АЙТИШ МУМКИНМИ!?**



КЎЗ ЁШ ТЎКИШ ОДОБИ



**УЙ ЖИҲОЗЛАРИМИЗ
СУННАТГА МОС КЕЛАДИМИ?**



**БОЛАЛАРДАН ТАҲОРАТ
ОЛИШНИ ЎРГАНГАН ҚАРИЯ**



3

9

10

16

20

24

30

34

МҮМИНЛАРГА МАРҲАМАТЛИ, МЕҲРИБОН БЎЛГАН РАСУЛ КЕЛДИ

«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг мاشаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизнинг (саодатга етишишингизга) ташна, мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Расул келди». (Тавба, 128)

Ояти каримада Расуулulloҳ алайҳиссаломнинг асосий сифатларидан бир нечаси зикр қилинмоқда.

«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган», яъни бошқа ёқдан келмаган, осмондан тушмаган, балки ўзингиздан бўлган бир киши Пайғамбар бўлиб келди. Бу ўйлаб кўрсангиз, ўзингиз учун шараф, обрў. Ўз ичингиздан шундай олий мақомга сазовор инсон чиққанига хурсанд, шод бўлишингиз ва унга эргашишингиз керак.

«сизнинг мاشаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган», яъни у Пайғамбар сизнинг ма-

шаққат чекишингизни, қийинчиликларда қолишингизни мутлақо истамайди. Доимо сизга енгиллик, осонлик бўлишини хоҳлади.

«сизнинг (саодатга етишишингизга) ташна», яъни бу Пайғамбар сизнинг икки дунё саодатига эришишингизга ташна. Шунинг учун ҳаракат қиласи.

«мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган Расул келди».

Дунё тарихида У зот алайҳиссаломдек кишиларга марҳаматли, меҳрибон инсон бўлган эмас. Бу улкан ҳакиқатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сийратлари ва ҳадисларидан билиб оламиз.

«Тафсири Ҳилол»дан олинди.



У ЗОТ МАСТУРА ҚИЗДАН ҲАМ ХАЁЛИРОҚ ЭДИЛАР

Абу Саъйд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мас-тұра қиздан ҳам ҳаёлироқ әдилар. Қачон бир нарсаны ёқтирмасалар юзларидан билар әдик».

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фахшчи әмас ва фахшни қилмас ҳам әдилар. У зот сизларнинг яхшиларингиз, ахлоқи яхшиларингиздир», деганлар».

Иккисини икки шайх ривоят қилган.

Бошқа бир ривоятда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳулқ жиҳатидан одамларнинг энг яхиси әдилар», дейилган.

«Фаҳш» сўзи қабих гапни айтишга ишлатилиди. «Фаҳшчи» деганда табиатида қабих гапларни айтиш бор киши кўзда тутилади. Фаҳш қилиш деганда эса табиатида бўлмаса ўзини мажбур қилиб қабих сўзларни айтиш кўзда тутилади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида аслида қабих сўз айтиш бўлмаган, шу билан бирга, У зот ўзларини мажбур қилиб ҳам қабих сўзлар айтмаганлар.

Бухорий ва Термизийнинг ривоятида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бирор таомни айбламаганлар. Агар иштаҳалари тортса, ер әдилар, бўлмаса, тарқ қиласар әдилар», дейилган.

Атоъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен Абдуллоҳ ибн Амрга:

«Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тавротдаги сифатларининг ҳабарини бер», дедим.

«Хўп! Аллоҳга қасамки, у зот Тавротда ўзларининг Қуръондаги баъзи сифатлари ила васф қилингандирлар.

Эй Набий, албаттa, Биз сени гувоҳ, хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи ва уммийларга ҳимоя қўрғони қилиб юбордик. Сен бандам ва Расулимдирсан. Сени Мутаваккил деб номладим. Бадхулқ ҳам, қўпол ҳам, бозорларда шовқин солувчи ҳам эмассан. У ёмонликни ёмонлик ила қайтармас, лекин афв қилур, кечириур. Аллоҳ у ила қинғир миллатни, лаа илаҳа иллаллоҳу, дейишлари, у ила қўр кўзларни, кар қулоқларни ва берк қалбларни очиши илиа тўғриламагунча Уни қабз қилмас».

Бухорий ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарсани сўралганда ҳеч қачон йўқ деган әмаслар».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки тоғ ораси тўлган қўйларни сўради. Бас, унга ўшаларни бердилар. У қавми ҳузурига бориб:

«Эй қавмим, мусулмон бўлинглар! Аллоҳга қасамки, Мухаммад кўп ато берар экан. Фақириликдан қўрқмас экан», деди».

Анас: «Киши фақат дунё учун мусулмон бўлмайди. Балки дунё ва ундаги барча нарсалардан кўра Ислом унга маҳбуброқ бўлгандагина мусулмон бўлади», деди».

Бу ривоятда ўз қавмини мусулмон бўлишга чорлаётган одам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан қўй олгани учун әмас, у зотнинг камбағалликдан қўрқмай шунча қўйни бир одамга бериб юборганиларини пайғамбарлик мўъжизаси билиб мусулмон бўлган эди.

Сафвон ибн Умайя розияллоҳу анҳу айтади:

«Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайнда менга атони берганиларича бердилар. Олдин у зот мен учун одамларнинг энг ёмони әдилар. Ато беравериб, мен учун одамларнинг энг маҳбуби бўлиб қолдилар».

Үшбу учовини Муслим ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг гўзали, одамларнинг энг сахиийи, одамларнинг энг шиҷоатлиси эдилар. Бир кечака аҳли Мадина қаттиқ даҳшатга тушдилар. Одамлар овоз чиққан томон юра бошладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдидан чиқдилар. Ўша томондан қайтиб келаётган эканлар. У зот улардан олдин овоз чиққан томонга борган эканлар. У зот Абу Толҳанинг эгарсиз отини миниб, бўйниларига қилич осиб олган эканлар. У зот «Қўрқманлар! Қўрқманлар!» дедилар».

Икки шайх ривоят қилган.

Яна ўша кишиидан ривоят қилинади.:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина га келгандарида Абу Толҳа менинг қўлимидан ушлаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига олиб борди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, Анас жуда хушёр бола, сизга хизмат қилсин», деди.

Бас, у зотга сафарда ҳам, ҳозирда ҳам ўн йил хизмат қилдим. Аллоҳга қасамки, қилган нарсамни, нима учун буни қилдинг, демадилар. Қилмаган нарсамни, нима учун буни қилмадинг, демадилар.

Тўртовлари ривоят қилишган.

Яна ўша кишиидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг яхши хулқлиси эдилар. Бир куни мени бир ҳожат учун юбордилар. Мен:

«Аллоҳга қасамки, бормайман», дедим. Ичимда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амр қилган нарса учун бораман, дедим-да чиқдим. Бозорда ўйнаётган болалар олдидан ўтаётиб туриб қолибман. Бир вақт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқамдан бўйнимни тутиб турибдилар. Мен У зотга назар солдим. У зот:

«Эй Унайс, мен амр қилган жойга бордингми?» дедилар. Мен:

«Ҳа! Мен бораман. Эй Аллоҳнинг Расули», дедим ва юриб кетдим».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Яна ўша кишиидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра аҳли аёлига меҳрибонроқ бирортани кўрмадим. Иброҳим Мадинанинг



четида эмизилар эди. У зот ўша томон борадилар. Биз ҳам у зот билан борардик. У зот уйга киргандарида тутунга тўлган бўларди. Чунки унинг эмизикли отаси темирчи эди. Бас, у зот уни олиб, ўшиб яна қайтариб берар эдилар. Иброҳим вафот этганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Иброҳим ўғлимдир. У кўқрак-далигида ўлди. Албатта, жаннатда икки эмизувчи унга эмизишни камолига етказурлар», дедилар».

Яна ўша кишиидан ривоят қилинади.:

«Батаҳқиқ, Иброҳимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларидаги жон таслим қилаётганида кўрдим. У зотнинг икки кўзларидан ёш оқди ва:

«Кўз ёш тўкур. Қалб маҳзун бўлур. Роббимиз рози бўладиган нарсадан бошқани айтмасмиз. Аллоҳга қасамки, Эй Иброҳим, биз сенинг учун маҳзунмиз», дедилар».

Иккисини тўртволари ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниң Анжаша исмли хушвуз сарбонлари бор эди. У завжай мутоҳҳаралар бор туяларни етаклаб кетмоқда эди. Бас, у зот унга:

«Эй Анжаша, охиста юр. Биллурларни синдириб қўйма», дедилар».

Икки шайх ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод нағозини ўқиганларидан кейин, Мадинанинг хизматкорлари сувли идишларини олиб келлар эдилар. Қайси идиш келирилса, у зот унга қўлларини солар эдилар. Баъзиди совуқ тонгда ҳам келишарди. У зот қўлларини солардилар».

Одамлар табаррук учун ўз идишларидаги сувга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламниң қўлларини солиб беришларини сўрар эдилар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Батахқиқ, сартарош Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниң сочларини олаётганини кўрдим. Саҳобалари у зотни ўраб олишган эди. Бирор соч толаси тушса ҳам бир кишининг қўлига тушишини хоҳлар эдилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниң фазллари улуғлигидан саҳобаи киромлар табарруклиги учун сочларини ҳам ерга туширмай бўлиб олишар эдилар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Ақли бир оз бундоқроқ аёл:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизда ҳожатим бор», деди.

«Эй Умму Фулон, қайси қўчадан юрасан? Сенинг ҳожатингни равон қиласай», дедилар у зот. Сўнгра у билан ҳожати чиққунча йўлда юриб кетдилар».

Ушибу учовини Муслим ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ишдан бирини ихтиёр қиласидиган бўлсалару улардан бири бошқасидан енгилроқ бўлса, агар гуноҳ бўлмаса, албатта, енгилини ихтиёр қиласар эдилар. Агар гуноҳ бўлса, ундан энг узоқдаги одам бўлар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун интиқом олган эмаслар. Илло Аллоҳ азза ва жалланинг хурмати поймол қилинсагина олардилар».

Учовлари ривоят қилишиган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан ҳеч нарсани: аёлни ҳам, ходимни ҳам урмаганлар. Илло Аллоҳнинг йўлида жиҳод қиласидагина урганлар. У зотга бирор нарса етган бўлса, унинг соҳибидан интиқом олмаганлар. Илло Аллоҳ ҳаром қиласар поймол қилинсагина Аллоҳ азза ва жалла учунгина интиқом олганлар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ишни қилиб, унда енгилликка рухсат бердилар. Бу у зотниң саҳобаларидан баъзи кишиларга етганда, уларга ёқмади ва ундан ўзларини олиб қочдилар. Ўша иш у зотга етганда хутба қиласар:

«Кишиларга нима бўлдики, уларга мен енгилликка рухсат берган иш етганда уни ёқтирамай, ўзларини олиб қочурлар?! Аллоҳга қасамки, албатта, мен уларниң ичида Аллоҳни энг қўп билувчилариман ва у зотдан энг қўп қўрқувчилариман», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Ҳадис ва ҳаёт» силсиласининг «Оламларга раҳмат пайғамбар» жузидан олинди.

РАСУЛУЛЛОХ ﷺ ҚАБРЛАРИ ЗИЁРАТИ ҲАҚИДА («Әъло ус-сунан» асаридан бир парча)

Имом Аҳмад яхши (ҳасан) санад билан ривоят қилган (5/422), у зот бундай дейди: Абдулмалик ибн Амр бизга ҳадис айтди: у бизга Касир ибн Зайд ҳадис айтди, деди: у Довуд ибн Абу Солиҳдан [ривоят қилди], у эса бундай деди:

Марвон бир куни бир кишининг Набийимиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам ётган қабрга юзларини кўяётганини кўриб қолди. Марвон унинг бўйнидан ушлаб олиб: “Нима қилаётганингни ўзинг биласанми?!”, деди. У кимса унга ўғирилиб, бундай деди:

“Ҳа! Мен тошнинг олдига келганим йўқ, мен Аллоҳ Расулининг олдига келдим, мен тошнинг олдига келганим йўқ!”.

Сўнг эса: “Мен Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи вассаллам: “Дин учун йиғлама, агар дин унинг ғамини қиласиганлар қўлида бўлса, аммо дин унинг ғамини қиласиганлар қўлида бўлса, йиглайвер!” деганларини эшитганман”, деди.

Ал-Ҳайсамий айтади (“ал-Мажма’ аз-завоид”, 5/245): “Буни Имом Аҳмад [“ал-Муснад”да] ва ат-Табароний “ал-Мўжам ал-кабир” ва “ал-Мўжам ал-авват”да ривоят қилган. Унинг санадида Касир ибн Зайд бор, уни бир гурӯҳ [олимлар] ишончли деган, Имом ан-Насайй ва айримлар эса заиф деган”.

Ушбу ҳадисни Яҳё ибн ал-Ҳусайн ибн Жаъфар ал-Ҳусайнин “Ахбор ал-Мадина” асарида ривоят қилган: “Умар ибн Холид менга ҳадис айтди: Абу Наботаҳ бизга Касир ибн Зайддан, у ал-Мутталиб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳантабдан ҳадис айтди: У: “Марвон бир киши қабрни кучоқлаб турганда келиб қолди”, деб ҳадисни [охиригача] ривоят қилди. Ал-Мутталиб: “Ўша одам Абу Айюб ал-Ансорий эди”, деган.

Имом ас-Субкий: “Абу Наботаҳ Юнус ибн Яҳёдир, ва ундан [санадда] олдингилар ишончлидир, Умар ибн Холидни эса мен танимайман”, деган.



Мен айтаманки: [Бу] муаммо эмас, чунки Имом Ахмад буни Абдулмалик ибн Амрдан ривоят қилган, у эса Касир ибн Зайддан ишончлидир ва ас-Субкий уни ишончли, деб таъкидлаган. Бундай фикр “Вафо ал-Вафо”да ҳам (2/443) қайд этилган.

Ал-Иzz бундай деган: “Абдуллоҳ ибн Ахмад ибн Ҳанбалнинг “Китаб ал-Илал ва-с-Суъалот” китобида [зикр этилади], у отасидан Абу Али ал-Савваф орқали ривоят қиласи, Абдуллоҳ [ибн Ахмад] бундай дейди:

“Мен отамдан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини кучоқлаётган, қабрни ушлаб ва ўпид барака олаётган ва Аллоҳ таолодан бу иши учун ажр умид қилаётгандек қабрга муомала қилаётган кимса ҳакида сўрадим. У зот: “Бунинг зарари йўқ!”, дедилар”.

Бу унда «Вафо ал-Вафо»да] ҳам (2:443) қайд этилган.

Наждийларнинг харакати, улар ўзлари ханбалий бўлсалар ҳам, жуда ғаройибdir. Улар бу [масалада] ҳаддан зиёд қаттиққўл бўлиб, одамларни бундан жуда қаттиқ қайтарадилар. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари қархисида туриб салавот юбораётган ва ул зотга салом берәётганимда, наждиклардан бир аскар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам равзаларининг ойнасини ўпаётган бир аёлнинг кўкрагидан кўли билан итариб юборганини ва аёл ёнбошига йиқилиб тушиб, кийимлари очилиб қолганини кўргандим. Ҳеч шубҳа йўқки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббати кучли бўлган кишиларни муҳаббат шундай кўйига солиши мумкин, кучли шавққа тўлган кимса учун бу борада изн бериш мумкин бўлади. Одамларнинг бундаги даражалари ҳар хилдир. Шунинг учун ҳам, айrim одамлар [қабрни] кўрганларида, ўзларини бошқара олмайдилар ва унга қараб ошиқадилар. Айrim ўзини тута биладиганлар эса секинроқ ҳаракат қиласидилар. Мана бу мисралар нақадар гўзал битилган:

Ўтарман Лайленинг уйин ёнидан,
Деворларин қучиб, ўпид бирма-бир.
Эмас ишқим сабаби унинг жойидан,
Балки унда турган гўзал жонидан.

Имом ан-Нававий бундай дейди: “Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини айланиш жоиз эмас. Имом ал-Ҳалимий ва бошқалар айтганидек, қабр деворларига корин ва орқа билан тегинмок макрух бўлади”.

У яна айтади: “Кўл билан сийпаб тавоф қилиш ёки уни ўпиш ҳам макрух бўлади; аксинча, зиёратнинг одоби қабрдан бир оз масофада туриб зиёрат қилишдир, худди агар у зотни тирикликларида маълум масофадан туриб зиёрат қилингани каби”.



Бу тўғри фикрdir! Уламолар ҳам шундай дейишиган ва шуни маъқуллашган. Кимнингдир хаёлида [фикрида] кўл билан ушлаш ёки шунга ўхшаш амал барака ҳосил қилишда самаралироқ деган тушунча бўлса, бу унинг жоҳиллигидан ёки бемулоҳазалигидан бўлади, чунки баракага фақат Шариатга ва уламоларнинг кўрсатмаларига амал қилиш билан эришилади.

“Вафо ал-Вафо”дан олинган иқтиbos тугади (2/442).

Мен айтаманки: шунинг учун, “садди заройеъ” учун, яъни, бунақа ҳолатлар бўлмаслиги учун авом одамларни бундан қайтариш керак. Аммо, ўзларини назорат килолмайдиган одамларни уриш ва кўкракларидан итариш сингари қаттиқ қайтариқлар учун ҳам асос йўқ, чунки сиз билганингиздек, бунда маълум даражада эркинлик мавжуд. Зиёрат қилувчи дуои-салом йўллаётган вақти [ўзининг бошини] қабрга қараб эгилишдан сақланиши керак. Ибн Жамоа айтади: “Айrim уламолар бундай деган: агар киши илмсиз бўлган ҳолда, бундай амални хурмат кўрсатиш белгиси деб ўйласа, бидъатдандир”. “Вафо ал-Вафо”дан олинган иқтиbos тугади (2:445).

Зафар Ахмад ал-Усмоний ат-Таҳонавий. Эъло ус-сунан. 7-жузъ. – Байрут: Дор ал-Фикр, 2001. – Б. 3616-3617.

“Эъло ус-сунан”дан таржима қилинган ушбу парчада янги салафийларнинг (улар матнда ‘Наждийлар’ деб келтирилади) мутаассиблигининг бир жиҳати танқид қилинади. Бу парча “аз-Зиёрат ан-набавия” (“Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилиш”) бобидан олинган. Бобнинг охиррида бу боб 1352/1934 йил ниҳоясига етгани маълум қилинади. Бу боб Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий (р.ҳ.)нинг ҳаётлик пайтларида ва у кишининг бевосита раҳбарлигига ёзиб тутатилган.

ИСЛОМ ДИНИНИ АНГЛАШДА ПАЙГАМБАРИМИЗ СИЙРАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганиб, англашдан мақсад – фақат тарихий воқеалардан воқиф бўлиш ёки чиройли қисса ва саргузаштлардан боҳабар бўлиш эмас, балки мусулмон инсон Ислом қоидаларини, ҳукмларини назарий жиҳатдан англагандан сўнг, айни қоидалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саламнинг ҳаёт йўлларида амалда ўз аксини топғанлигини тасаввур қилишидир. Шунинг учун биз Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассаломнинг ҳаёт йўлларини ўрганишни оддий тарихни ўрганиш ёки ўтган подшоҳларнинг таржимаи ҳоллари билан танишиш қаторида кўрмаслигимиз лозим.

Демак, Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассаломнинг сийратларини ўрганиш, Ислом моҳиятини англаш учун амалий татбиқ баробарида экан.

Мазкур мақсадни бир неча қисмга бўлишимиз мумкин:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт тарзлари ва муҳитларини ўрганиш орқали у зотнинг шахсиятларини англаш ва бунинг натижасида Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам юксак фазилатлар соҳиби ва юртдошлари олдида катта обрў эътибор қозонган баркамол инсонгина бўлиб қолмай, у зот энг аввало Аллоҳ таоло Ўз ваҳийси ва тавфиқи билан қувватлантирган «Расул» эканликларини ҳам таъкидлашдир.

2. Бу ҳаётда ҳар бир инсон ўзи ардоқлайдиган, ҳурмат қиласидиган, унинг йўлидан юриб, этагини маҳкам тутадиган бир намуналий йўлбошчига муҳтождир. Шубҳасиз, агар инсон ўзи учун олий намуна бўладиган йўлбошчини ҳаётнинг қайси томонидан кидирмасин, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сиймоларида яққол намоён эканини топади. Зоро, Аллоҳ таоло у зотни бутун инсониятга намуна қилиб яратган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: «(Эй мўминлар), албатта сизлар учун Аллоҳнинг Пайғамбарида (у зотнинг иймон-эътиқоди ва хулқи атворида) гўзал намуна бордир». (Ахзоб сураси 1-оят).

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганган инсон Аллоҳ таолонинг Китобини яхшироқ фаҳмлайди, унинг мақсадлари ва руҳини ҳис қиласи. Зоро, Қуръони Каримнинг аксар оятларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирокидаги воқеа ва ходисалар тафсир қиласи.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганиш асносида мусулмон инсон



хузурида ақийда, ҳукмлар ва ахлоқ одобга доир саҳиҳ исломий билим-маърифат заҳираси ҳосил бўлади. Чунки у зотнинг ҳаётлари Ислом асослари ва ҳукмлари мажмуасини ёритиб, гавдалантириб бергувчи ойна кабидир.

5. Исломий муаллим ва мураббийнинг хузурида таълим-тарбия усулларининг йўриғи, андозаси бўлмоғи лозим. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам холис муаллим ҳамда фозил мураббий бўлиб, ўз даъватларининг турли босқичларида таълим-тарбиянинг ана шундай фойдали ва самарали усулларини излаб топища куч-ҳаракатларини аямаганлар.

Мазкур беш мақсадни рўёбга оширишда Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом сийратларининг алоқаси у зотнинг ҳаётлари инсоний ҳамда ижтимоий жабхаларнинг барчасини қамраганида кўринади.

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ҳар жабҳада етук намуна бўла олар экан. Зотан, у киши атрофдагиларнинг, дўстларининг ишончини қозонган, ўз йўлини тўғри танлаган инсон, Аллоҳ таолонинг рисоласини етказишида бор кучини аямайдиган, инсонларни Аллоҳ таолонинг Динига чиройли мавъиза ва донишмандлик билан чакирувчи даъватчи ҳамда аҳли оиласига чиройли муомалада бўлувчи эр, фарзандларининг ҳақларини ўз ўрнига кўйган меҳридарё ота, ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий мөхир қўмондон, Парвардигорига гўзал ва чин ибодат килгувчи мусулмон эдилар.

Аён бўлмоқдаки, Пайғамбар алайҳиссалоту вассаломнинг сийратлари инсон ҳаётининг энг гўзал ва олий намунасидир.

Шайх Мұхаммад Саид Рамазон Бутийнинг «Фикхус-сийра» китобидан олинди.

АЗОН ЭШИТУВЧИГА МУСТАХАБЛАР



Абу Саъид розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачонки аzonни эшитсангиз, муаззин айтётган нарсани айтинглар», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бухорий: «Сўнгра менга саловат айтинглар. Чунки ким менга бир саловат айтса, албатта, Аллоҳ унга ўн саловат айтади. Кейин менга василани сўранглар. Бас, у жаннатдаги бир манзила бўлиб, Аллоҳнинг бандаларидан фақат бир бандагагина лозим бўлур. Ўша банда мен бўлишимни орзу қиласман. Ким менга василани сўраса, унга шафоат ҳалол бўлур» ни зиёда қиласлан.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким аzonни эшитгандан кейин: «Аллоҳумма Робба ҳазиҳид даъватит тааммати вассолатил қоимати аати Муҳаммадан ал-васийлатавал фазийлата вабъасху макоман маҳмудан аллазии ваъдтаху» деса, қиёмат куни унга шафоатим ҳалол бўлур», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Бу ҳадиси шарифда келган дуонинг маъноси қуйидагича: «Эй бор Худоё! Эй ушбу тугал даъватнинг ва қоим бўладиган намознинг Роббиси! Муҳаммадга Василани ва фазилатни бергин ҳамда уни Ўзинг ваъда қиласман Махмудда қайта тирилтиргин».

«Васила» жаннатдаги олиймақом манзила экани ҳадисда зикр қиласланди. «Мақоми Маҳмуд», яъни «Мақталган Мақом» эса Аллоҳ таолонинг «Шоядки, Роббинг сени Мақоми Маҳмудда қайта тирилтирса» ояти или Аллоҳ таоло томонидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассолатил қоимати аати Муҳаммад ҳалол бўлур. Мақоми Маҳмуд буюк шафоат мақомидир.

Демак, қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассолатил қоимати аати Муҳаммад ҳалол бўлур. Шафоатларига мушарраф бўлайлик десак, азондан кейин ушбу дуони ўқиб юришимиз керак.

Вассолату вассалому аъла хойри холқиҳи Муҳаммад ва алиҳи ва асҳабиҳи ажмаъин!

Назокат тайёрлади.

САВОЛ-ЖАВОБ

Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мейрөж воқеасида барча Пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқиганмилар?

Ассалому алайкум, хурматли Шайх ҳазратлари! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мейрөж воқеасида, Байтул Мақдисда барча Пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқиганмилар? Аллоҳ таоло барча Пайғамбарларни тирилтирган экан, ўша куни.

Жавоб: Шу гап тўғри.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал қандай динда бўлганлар?

Ассалому алайкум, хурматли Шайх ҳазратлари! Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи бор ваҳий тушишидан

олдин қандай динда бўлганлар? Улардан олдин ҳам Ислом бўлганми?

Жавоб: Ҳеч қандай динда бўлмаганлар.

Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хақларида тўлиқ маълумот


Ассалому алайкум, хурматли Шайх ҳазратлари! Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам хақларида мукаммал ва тўлиқ маълумотни қайси китобдан топса бўлади?

Жавоб: «Ҳадис ва Ҳаёт»нинг 19-жузи.

Али ва Муовия розияллоҳу анҳумо ўртасидаги жанг сабаби

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Аллоҳ умрингизни барокатли қилсин.

Али розияллоҳу анҳу билан Муовия ибн Абу Суфён ўрталарида бўлиб ўтган келишмовчилик нимадан иборат эди? Иккалалари ҳам улуғ саҳобалардан бўлишганку. Жавобингиз учун раҳмат.



Жавоб: Улардан ҳар бири ижтиход қилган ва ўзини тўғри деб билган. Саҳобалар ҳақида фақат яхши гапларни гапиришга амр қилинганимиз.

Бу ҳақида «Талхийси шарҳи ақийдатут Тоҳавия» китобида қуйидагилар келган:

«Биз уларнинг ҳаммалари ҳақида яхшилик билан: «Эй Роббимиз, бизни ва биздан олдин иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин. Бизнинг қалбимиизда иймон келтирғанларга хикд қолдирмагин. Эй Роббимиз, албатта, Сен шафқатли ва раҳимли зотсан», (Ҳашр, 10) деймиз.

Аллоҳ таоло бизнинг кўлларимизни ўз вақтида бўлиб ўтган фитнада асраран. Бас, биз Аллоҳдан тилларимизни ҳам мазкур фитнадан саклашини сўраймиз».

Умар ибн Абдулазиз ҳақида маълумот

Ассалому алайкум раҳматуллоҳи ва баракотух, муҳтарам Шайх Мухаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Сизга узоқ умр ва мустаҳкам саломатлик тилаб қолувчи муҳлисингиз. Умавийлар сулоласидан бўлган Халифа Умар ибн Абдулазиз тўғрисида маълумот берсангиз. Кўпгина тарихчи олимлар унинг ҳукмронлик даврини умавийлар давлатининг олтин даври деб хисоблашади.

Жавобингиз учун олдиндан раҳмат, деб қолувчи муҳлисингиз Ҳумоюн Қодиров.

Жавоб: Саволингиздаги мулоҳазалар тўғри. Умар ибн Абдулазиз ҳақида бизнинг тилимизда асарлар йўқ. Аммо бошқа тилларда кўп. Сизга уларнинг хulosасидан иккитасини тақдим қилмоқчиман.

1. Кўпчилик Умар ибн Абдулазизни бешинчи рошид халифа дейди.

2. Умар ибн Абдулазизнинг даврида ислом оламида закот оладиган одам топилмаганда уламолар закотни Африқода Исломни тарқатиш бўйича даъват ишларига сарфлашга фатво чиқарғанлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилган саналари

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуху! Яқинда пайғамбаримиз туғилган саналари тўғрисидаги бир маълумотни ўқиб қолдим. Унда айтилишича у зот соллаллоҳи алайҳи

vasallamning aniq туғилган саналари ҳақида ривоятлар йўқ, дейилган. Рабиул аввал ойинин 12 санаси деган маълумот саҳиҳ эмас дейилган. Мазкур маълумот ҳақида тушунтириш бериб ўтсангиз. Эътибор ва жавобингиз учун ташаккур!

Жавоб: Бу гапни айтганнинг гапи нотўғри.

Форуқ ва Муртазо лақабларининг сабаблари нима?

Ассалому алайкум Шайх ҳазратлари! Ҳазрати Умар розияллоҳу анхуни Форуқ ва Ҳазрати Али розияллоҳу анхуни Муртазо дейилишлигини сабабини айтиб берсангиз илтимос.

Жавоб: Форуқ – ҳақ билан ботилни ажратувчи. Муртазо – рози бўлинган.

«Бакр» сўзи қандай маънони англатади?

Ассалому алайкум Шайх ҳазратлари! Абу Бакр розияллоҳу анхунинг исмидаги «Бакр» сўзи қандай маънони англатади? У зотга бу лақаб қачон берилган?

Жавоб: Биринчи фарзанд.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг расмлари борми?

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуху муҳтарам Шайх Ҳазратлари. Қайда эшиг-ғанман ёки ўқиганман эсимда йўқ.

1. Ҳабиб пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам расмлари (ёки бирор кўринишлари) шу пайтгача ҳеч ерда топилмаган (йўқ) экан, шу ростми?

2. Кимки тушида ҳабиб пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашса (буни Аллоҳ у инсонга қалби билан сездирап экан), у банда ростдан ҳам ул Зот билан кўришган бўларкан, шу ростми?

Раҳмат.

Жавоб:

1. У зот алайҳиссаломнинг расмлари йўқ.
2. Ундей эмас.

«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди.

Fuёсиддин Мұхаммад Юсуф тайёрлади.

София бинти Абдулмутоллиб

(РАСУЛИ АКРАМ СОЛЛАЛЛОХУ
АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМНИНГ АММАЛАРИ)

София бинти Абдулмутоллиб бин Ҳошим бин Манноф бин Қосим ибн Килоб Ҳошимия Қурайшия – Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламниң аммалари, Аллоҳнинг шери, арслони Ҳамза ибн Абдулмутоллибинг синглиси, улуғ саҳоба Зубайр ибн Аввомниң оналаридир.

София розияллоҳу анхонинг оталари Қурайшлар саййиди, ғурур, шараф, хурмат-эҳтиром соҳиби, муборак ҳаж булоги «Зам-зам» булоги қалитининг эгаси Абдулмутоллиб эди.

Оналари Хола бинти Ваҳб – Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламниң муборак оналари Омина бинти Ваҳбнинг сингиллари эди.

Уларнинг биринчи турмуш ўртоқлари Хорис ибн Харб – Бану Умайя қабиласи бошлиғи Абу Суфённиң акаси эди. Иккинчи турмуш ўртоқлари Аввом ибн Хувайлид бўлиб, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламниң завжалари Ҳаджа бинти Хувайлидинг укаси эди.

Иккинчи эрлари Аввом ибн Хувайлид вафтидан сўнг ўғиллари Зубайрнинг тарбияси билан шуғулланиб, уни чавандозликка, камондан отишга, мерганликка ва шунга ўхшаш ҳарбий машқларга қаттиқ ўллик билан ўргатар эдилар. Болани бундай қаттиқ жазолаб тарбия килиш мумкин эмас деганларга, «Ким мени боласига бемеҳр деган бўлса, ёлғон сўзлабди. Мен унинг довюраклигидан, уни душман кўрганда қўркувдан титрасин дейман», - деб жавоб қилганлар.

У кишининг шахсиятлари ана шундай гўзал хислатларга бой бўлган насл-насабли оила муҳитида тарбияланиб, шаклланди. София бинти Абдулмутталиб араб адабий тилида гўзал сўзловчи нотик, фасоҳатли етук зот, мукаммал қория-олима, довюрак чавандоз жангчи-лашкар эдилар. Ул зот атрофдаги одамларнинг хурматига сазовор, муҳтарама зот эдилар.



Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий тушганида, ўз яқин қариндошларига қаратада: «Эй Фотима бинти Мұҳаммад, эй София бинти Абдулмуттолиб, эй Бану Абдулмуттолиб аҳли, мен сизларга Аллоҳдан на бир мулқ, на бир мол ваъда қиласман», - дея ул зот бобаракот Исломга даъват бошладилар.

Одамларнинг баъзилари Ислом динини қабул этдилар, баъзилари бундан юз ўтириклиар.

София бинти Абдулмуттолиб Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчилардан бўлиб иймон келтирдилар. Ул зот ўғиллари Зубайр ибн Аввом билан биргаликда Аллоҳ таолонинг порлок йўлидан бориб, биринчи мусулмонлар қаторида мушриклар ва Ислом душманлари тарафидан зўравонлик, таҳқирлаш, азоб-уқубатнинг аламларини бошларидан ўтказдилар. Аллоҳ таолонинг амри билан Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилганларида улар билан бирга ҳижрат килдилар.

Қаҳрамонликка тўла олтмиш йилдан зиёд умр кечириган бу буюк аёлнинг Аллоҳ йўлидаги жиҳодда кўрсатган жасоратлари тарихдан муносиб ўрин олган. Улардан икки қўшин қарама қарши тўқнаш келган Ухуд ва Ҳандақ жангларида содир бўлган икки воқеа ривоят қилинади.

Ухуд жангидаги София бинти Абдулмуттолиб

жиходга чиққан мусулмонлар кўшнининг жангчилариға кўмак берувчи аёллар илғор гурухининг пешқадами сифатида қатнашдилар. Улар ярадорларга, чанқаганларга сув олиб келар, ўқёйлар қайраб камончиларга отишга тайёрлаб берардилар.

Бундан ташқари кўзланган мақсад жанг жараёнини боришини шахсан кузатиш эди. Чунки бу жангу жадал ичиди уларнинг жияни – Аллоҳнинг Расули Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бор эдилар.

«Аллоҳнинг шери» номи билан улуғланган туғишиган акалари Ҳамза ибн Абдулмутоллиб ҳамда Расуллороҳга шогирд ва издош ўғиллари Зубайр ибн Аввом ҳам шу жангда иштирок этишарди.

Бу жангда София розияллоҳу анҳонинг ўз ихтиёри билан қабул қилган Ислом дини тақдиди ҳал бўлмоқда эди. У зот айнан Исломда жаннатга олиб борувчи порлоқ йўлни топган эдилар.

Жанг асносида мусулмонлар Аллоҳ Расулининг амрини бажармай жанг майдонини ташлаб кета бошладилар. Мусулмонларнинг сафлари сийраклашди ва мудофааси заифлашди. Мушриклар Аллоҳнинг Расулини ҳалок этиш хавфини кўрган София қўлидаги сув тўла кўзани ерга ташладилар, қочиб кетаётгандарнинг қўлидан найзасини тортиб олдиларда:

«Эй қочқинлар, сизга вайл бўлсин! Сиз Аллоҳнинг Расулини ҳимоя этолмай ташлаб қочдинглар», - деб хитоб қилиб, худди ўз боласини ўлим чангалидан қутқариш учун ҳужумга ташланган она шер каби душман қиличларини уриб, қақшатқич зарба бера бошладилар.

Расули Акрам яқинлашиб келаётган Софияни кўрганларида мушриклар томонидан ёвуздарча ўлдирилиб, юз-бошлари, жасади тилка пора қилинган акалари Ҳамза ибн Абдулмутоллибга кўзи тушишидан қўрқиб:

«У аёлни, аёлни тўхтатинглар», - деб хитоб қилдилар.

Ушбу холатда София сабр, сабот, мардлик ва матонатнинг энг гўзал кўринишини намоён этдилар. Ул зот ўз тиллари билан бу воқеани қуийдагича ривоят қилганлар:

«Ҳамзанинг ўлдирилган куни мени Зубайр ахтариб топди ва:

- Эй онажон! Расуллороҳ сизни орқага қайтишга амр қилдилар. Бу ерга яқинлашманг, кетинг, - деди.

- Нега? - дедим.

- Аллоҳнинг Расули сизга ортга қайтсин, деб амр қилдилар.

- Нима учун? - деб сўрадим. - Ахир менга унинг Аллоҳ йўлида жанг қилаётганида ёвуздарча ўлдирилиб, жасади вахшиёна, шафқатсизлик билан тилка-пора қилиб таҳқирланганинг хабарини беришдику,- дедим.

Шунда Расуллороҳ:

-Унга йўл бер, Зубайр, - дедилар”.

Жангдан сўнг София ўз акалари Ҳамзани ёвуздарча ўлдирилган танаси, ёриб юборилган қорни, жигари суғириб олинган, қулоқлари кесилган, юз-бошлари таниб бўлмас даражада вахшиёна тилка-пора қилинган холда топдилар. Аллоҳ таолодан унинг хаққига раҳм-шафқат ва истиғфор сўраб, шундай дедилар:

«Биз барчамиз Аллоҳникимиз, батаҳқиқ бизлар унга қайтарилурмиз. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ йўлида бўлди. Биз Аллоҳ таоло томонидан белгилан тақдиримиздан розимиз. Аллоҳга қасамки, мен сабрли бўламан ва Аллоҳ унга ўз ажру мукофотини берсин». Шундан сўнг Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уни дағн қилишга изн бердилар».

Довюрак София бинти Абдулмутоллиб Ҳандак жангидаги ҳам ўзининг зукколиги, тадбиркорлиги ва мислсиз қаҳрамонликларини намойиш этдилар.

Ўз одатларига кўра Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир қилинадиган ҳарбий юришдан олдин Мадинадаги барча мусулмон аёллар ва болаларни душмандан ҳимоя қилиш мақсадида маълум бир қалъага жойлаштириб кетар эдилар. Чунки улар жиходга кетган вақтида шаҳарда ҳимоячилар қолмасди ва ғанимлар фурсатдан фойдаланиб, мусулмонлар авратига (аёллар ва болаларга) тажовуз этишлари мумкин эди.

Ҳандак жангига арафасида мусулмонларнинг аёллари ва болалари Хассон ибн Собит розияллоҳу анҳуга тегишли яхши қурилган мустаҳкам қалъага жойлаштиришди.

Барча мусулмонлар у куни Ҳандак ҳимоясида қурайшийлар ва уларнинг иттифоқчиларига

қарши жангга ҳозирлиқда эдилар. Тонг ғира-ширасида қалъа деворида бўлган София бинти Абдулмутолиб, қалъа атрофида айланиб, синчковлик билан исковичлик қилиб юрган кимнингдир шарпасини сезиб қолдилар. Ниҳоятда дикқат билан назар солдилар. Тез орада аста-секинлик билан ўрмалаб, жосуслик қилаётган қабих яхудийни курдилар. София у Курайза яхудийлар қабиласининг жосуси эканини ва у қалъани эркаклар ҳимоя қилмоқдаларми ёки бу ерда аёллар ва болалардан бошқа ҳеч ким йўқлигини билмоқ учун атрофни кузатиб юрганини фахмладилар.

Зукко аёл тафаккур қилиб, ўзига ўзи шундай деди: «Бану Курайза яхудийлари мусулмонлар билан тузган ахдларини бузиб, Курайш мушриклар томонига ўтиб кетдилар. Аллоҳнинг Расули барча мусулмон лашкари билан Курайшийлар ва уларнинг иттифоқчиларига қарши Ҳандак ҳимоясида турибдилар. Бизни ҳимоя қилувчи бирорта мусулмон эркак йўқ. Агар Аллоҳнинг душмани бу ахволимиз тўғрисидаги аниқ ҳақиқатни ўз қабиласига маълум қилса, у ҳолда мусулмонлар катта фожиага учрайдилар - яхудийлар барча аёлларимизни асирга оладилар (чўри қиладилар) ва болаларни эса қулларга айлантиридилар».

Шунда София аста-секинлик билан қалъа дарвозаси олдига тушдилар. Охиста ва эҳтиёткорлик билан дарвозани очиб, тиркич орқали Аллоҳ душманини дикқат билан кузата бошлидилар. Малъун жосус етарли қисқа масофагача яқинлашганида, унга тез ва мардларча ташланиб, қўлларидаги тўқмоқ билан билан қаттиқ зарба бериб, ерга қулатдилар. Сўнгра унга иккинчи ва учинчи зарбани берганларидан сўнг, душман жон таслим қилди. Шундан сўнг ёнидаги ҳанжарлари билан бошини танасида жудо этиб, қалъа деворидан ташқарига ташлаб юбордилар. Калла тоғ бўйлаб пасткаш думалаб тоғ тагида турган яхудийлар бориб тушди. Ўз жосусларининг калласини кўрганларидан кейин улар бир-бирларига: «Биз Мұхаммад ўз аёллари ва болаларини ҳимоясиз қолдирмаслигини билардик», - дейишди-да орқаларига қарамай қочиб кетдилар.

Шундай қилиб мусулмонлар бу ғазовотда бу муслима аёлнинг мислсиз қаҳрамонлиги, ши-

жоати, довюраклиги, мардлиги туфайли зафар кучдилар.

Ҳайбар жангига София розияллоҳу анҳо мўмина муслиматар билан бирга Ислом қаҳрамонларининг елқадошлари бўлиб куч-қувват бағишилаб, жанг майдонида чодир тикишга қарор қилдилар ва у ерда ярадорларга бевосита тиббий ёрдам қилдилар, яраларни боғладилар. Лашкарга ҳақиқий елқадош бўлдилар.

Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бу қатъиятлиликлари ва тутган йўлларидан беҳад хурсанд ва масрур эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аммалари София розияллоҳу анҳони яхши кўрар, иззат-икром қилар ҳамда мурувват ва сахийлик кўрсатар эдилар.

София розияллоҳу анҳо Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни болаликларидан яхши кўрар, опалик қилар, ёшлигига ундан ҳайратланган, набийлигига ишонган, ғазовотида елкадош бўлган, вафотларида чукур қайғуга тушган эдилар.

У киши Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида, ёшлари етмишдан ошган вақтда вафот этдилар.

Софияни бинти Абдулмутоллибни Аллоҳ таолога ўз раҳматига олган бўлсин. У зот ҳаётлари давомида йўлиқкан барча синовларда ўзларини қатъий, оқила, қаҳрамон аёл сифатидан тўлиқ намоён этдилар. Дарҳақиқат, Ислом тарихининг олий минораси, Аллоҳ дини нусрати учун жиҳод қилувчи ва жонини қурбон қилишга доим тайёр, ўрнак бўлувчи гўзал сийрат эгаси эдилар. Тарих зарварақларида «София бинти Абдулмутоллиб Аллоҳ динини ҳимоя қилиб, динсиз эркакни қатл этган Исломдаги биринчи аёл деб ёзиб кўйилган».

*Маҳмуд Маҳдий Ал-Истамбулий ва
Мустафо Абу Наср Шаладийнинг
«Расул атрофидаги аёллар»
китобидан таржима қилинди.*



Мавлид ойининг яқинлашиши халқимизда турли маросимлар, тадбирларнинг, қариндошларницида йигинларнинг кўпайишини англатади. Кимникигидир тогора қилиб бориш кераклигини, бирор егулик тайёрлаш учун маълум вақтимизни ошхонада ўтказишимиз лозимлигини англатади. Таассуфки, негадир яқинлашаётган мавлид ойи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам туғилгандари ва бу ой бизга айнан шуниси билан улуғ эканини англатмайди. Афсуски, бу ойининг яқинлашиб келиши, ҳатто кириб келиши ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламга салавотларни кўпайтириш лозимлигини англатмайди, фарзандларимизга Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламни янада яқинроқ танишишимизга сабаб бўлмайди.

САЛАВОТ НИМА?

Барча замонавий кишилар сингари мен ҳам интернетдан фойдаланиб турман. Унга илм олиш мақсадида, янгиликларни билиш мақсадида вақт сарфлайман. Ижтимоий тармоқларда узоқ яқиндаги яхши инсонлар билан сұхбатлашиб турдикади. Шу тармоқда Чеченистон президенти Рамзан Қодировнинг ҳам сахифаси бор. У деярли ҳар куни фойдали маълумотларни бўлишади. Уларнинг бирида айтишича, аввалроқ Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг туғилган ойларида ўтказиладиган мавлид маросими га тайёргарлик сифатида “Энг кўп саловат айиш”га, хусусан саловатлар сонини 500 мингга чиқаришга ўз халқини чақирган. “Ишдан бўш пайтимда бугунга қадар 350 мингта саловот айтдим. Сизчи?”, - деб сўрайди халқидан Рамзан Қодиров. Бу ҳолат ҳали мавлид ойи кириб келишига деярли икки ой муддат борида айтилмоқда. Агар бутун бошли давлатнинг раҳбари бўла туриб, ҳар куни турли учрашувлар, муҳим масалалар юзасидан қарорлар чиқариб, оила ва ёр дўйстларига вақт ажратиб, ундан ортиб 350 минг саловат айтиш мумкин бўлса, биз ҳам ўзимизни “жуда банд” эканлигимизни баҳона қилмай қўя қолайлик. Ҳар ҳолда давлатни бошқармаймизку! Энг зўримиз битта оилани бошқаришимиз мумкин. Нари борса корхонани бошқармиз. Аммо баҳона қидирганга баҳона, сабаб излаганга сабаблар талайгина экан. Рости бу сонни кўриб ўзим ҳам лол қолдим. Наҳотки

бир-икки ой ичидаги шунча миқдорда саловат айтиш мумкин бўлса? Саволимга тез орада жавоб олдим. Яна ўша Рамзан Қодировнинг сахифасидан. Унинг саволига Чеченистон ҳавфсизлик кенгаши котиби Вахит Усмаев жавоб берган. У 500 мингдан ортиқ саловот айтгани ҳақида ўз раҳбариға ҳисобот берган. Рамзан Қодировнинг айтишича, бу инсон аввалроқ 2 миллиондан ортиқ саловат айтган экан.

Бу хабарни риё деб эмас, балки ўrnak олиш учун деб қабул қилсан тўғри бўлар. Чунки орамизда саловат нима эканлигини билмайдигандар ҳам бор экан. Шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. “Ўғлимга саловат ўргатяпман”, - дегандим, қўшним сўраб қолди: “Нима эди саловат? Ла илаҳа иллаллоҳми?” Жавобни дарҳол беришга каловланиб қолдим. Сўз бойлигим кам эмас, аммо бунака ҳолатда дарров нима деб айтишни билолмай қоларкансан киши. Мен унга аста-секин саловат нима эканлигини, уни нега айтилишини тушунтирган бўлдим. Лекин гапим тугаши билан батамом бошқа мавзудаги сұхбат давом этиб кетди. Демак саъвиямиз шу даражада. Шу даражада асл мақсад моҳиятдан узоқлашиб кетганимизки, баъзи ишларни қилиб туриб ҳам аслида нега қилаётганлигимизни билмаймиз. Хусусан, мавлид маросимлари. “Ҳамма қиляптику, қилиш керак!”. Битта отин чақирилади, ҳамма таниш билишлар, қариндошлар еб ичгани келади. Отин нималарнидир ўқиди, биз ёнимиздаги қариндошимиз билан қачондир бўлиб ўтган воқеаларни эслашамиз, жуда уялсанк пичирлашиб гаплашамиз. Хуллас бирор уч соат ўтириб, меҳмон бўлиб уйга қайтамиз. “Мавлиддан келяпман” деймиз. Аммо ундан тогорамизга солиб берилган тўртта нон ва иккита сомсадан ортиқ нарса олиб келмаймиз. На илм ва на савоб. Чунки аслида нимага кетаётганлигимизни билмагандикда ўзи. Билмай қайтавердик. Агар билганимиздами: битмас туганмас савоб ва нақд ҳазинанинг ўзи бўлган илм билан қайтиб келган бўлардик. Фарзандларимизга саловатлар айтишни ўргатиб, пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламни яқинроқ таниширган бўлардик. Ўзимиз ҳам у кишининг сийратларини ўрганган бўлардик, унугтган суннатларимизни жонлантирган бўлардик.

Кимнидир нимададир айблаш жуда осон иш. Лекин ҳар биримиз ўзимизни ислоҳ қилсан, иншааллоҳ жамиятимиз ислоҳ бўлади. Албатта фаровонлик ва баракотлар ёғилади. Аллоҳдан барчаларимизни ўзи мудом тўғри йўлга бошлишини, қалбимизни ҳамиша иймон лаззати ила неъматлантирганин сўраймиз!

Умму Муҳаммад Билол

САМАРҚАНДНИНГ ИСЛОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИ

Ушбу қисса худди «Минг бир кеча»га ўхшаш хаёлий қиссага ўхшайди. Аммо бу воқеа ҳақиқат эди. Аллоҳ Мовароуннахрни унинг қўли билан фатҳ қилган ноёб қобилияти мусулмон кўмондон Қутайба ибн Муслим бу сафар нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолди. У яшил яйловларга, чўққили тоғларга ва улкан бойликларга эга Самарқанд остонасида эди.

Ха, шаҳар аҳли бутпараст эди. Лекин унинг шаҳарни ҳимоя этадиган кучли қўшини ва галабаларга бой тарихга эга ғозийлари бор эди. Қутайба буни яхши биларди. Лекин нодир кўмондонлик қобилияти соҳиби бўлган Қутайба ҳийалалар устаси эди. Жойни атрофлари билан яхшилаб ўрганди. Сўнг қўшинини бир неча бўлакка ажратиб, шаҳарни ўраб турган улкан ва викорли тоғлар томон юборди. Мусулмон қўшинини душман кўзидан пана пистирмаларга қўйди. Тонг чоги шаҳар эшиклари очилиб, дех-қон ва савдогарлар зироатгоҳ ва тижоратгоҳла-

рига чиққан пайтларида мусулмон қўшини улар томон худди селдек йўлидаги ҳамма нарсани оқизиб, бир томчи ҳам қон тўкмасдан, тезлиқда шаҳар ўртасида учрашди.

Самарқанднинг таслим бўлмасдан иложиси қолмаганди. Шаҳарнинг ҳокими, аъёнлари ва қўмондонлари тоғлар томон қочишиди. Фавқулодда бу ҳолат уларни эсанкиратиб қўйган, мусулмон қўшини эса ҳеч қандай қаршиликка йўлиқмаганди. Фурсат ўтиб, Самарқанд аҳли секин аста уйларидан чиқа бошладилар ва ғозийлар билан эҳтиёт ва ҳазир бўлиб муомала қила бошладилар. Кунлар ўтиб улар мусулмонларнинг ёмонлик истамасликлари ва «янги нав ғозийлар» эканини билиб қолдилар.

Ғозий қўшин кичикларга раҳм қилар, заифларга ёрдам берар, ёлғиз Илоҳ ибодатига даъват этар, уларда ўғрилик, қароқчилик ва қотилликдан асар ҳам йўқ эди. Балки тинчликни ва тартибни ҳимоя қилишар, тижорат қилганлар омонатдор-



ликларига гувох бўлишар, алдов ё ёлғон, зулм ё хийла ишлатишмас эди. Хуллас, улар юқорида айтганимиздек, «янги нав фозийлар» эди.

Бир кун бозорда ёш самарқандлик ва мусулмон аскар ўртасида қаттиқ жанжал кўтарилиди. Одамлар кўрқинч ва хадик билан йиғилишиди. Улар ҳозир мусулмон қўшин ҳар томондан етиб келиб, ғозийларга қарши чиқадиганларга ибрат бўлиши учун бу йигитга умр бўйи эсидан чиқмайдиган «дарс» беришига шубҳа қилишмас эди.

Дарҳақиқат, бир қанча аскар етиб келди. Улар бир жойга йиғилиб, жанжалкашларни ўраб олишиб. Ҳаммани даҳшатга солган ҳолда даъвогарлар ва гувоҳларни қозининг ҳузурига етаклашди. Йиғилганлар бўлиб ўтган иш муҳокама этилишини кутишмаганди. Қози мусулмон аскарга қарши ҳукм чиқарди. Ажойиб қисса шундан иборатми?! Йўқ, бу фақат бошланиши эди.

Хабар шаҳарнинг бўйи ва энига ёйилди: «Бу ғозийларнинг одил қозилари бор экан...» Бу томонда самарқандлик бир йигит қочқин аъён ҳузурида ҳамманинг ҳайратига сабаб бўлган ҳодисани ҳикоя қиласди. Аъён ҳикоянинг тўғрилигини ўрганганидан кейин ҳали ҳеч ким қилмаган «мажнунона» қарорини берди. Кутайба ибн Муслим устидан Амирул мўмининг шикоят аризаси ёзиб, элчи орқали жўнатди. Ёш самарқандлик учкур отга миниб, халифалик маркази Дамашкка қараб чопди. У шарафли ва машаққатли вазифада турган, тарихда мисли кўрилмаган давлатни, шарқдан Чин, фарбдан эса Атлантика океанингча бўлган ҳудудни бошқараётган ҳукмдори Амирул мўминин ҳузурига киришдаги машаққатларини ўйлаганича, Дамашққа кириб келди.

Мулки Кисро ва Қайсардан ҳам кўп бўлган бу улуғ подшоҳ ҳузурида қандай сўзлайди? Энг кучли қўмондонларидан бири устидан тушган шикоятни у қандай қабул қиласди? Ва ниҳоят, ўзига, яъни давлат душманларидан бирига қандай муомала қиласди? Бу йигит ҳали Амирул мўминин рошид халифаларнинг бешинчиси ҳисобланишини ва дунёни адолатига тўлдирган зот Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг набиралири, зоҳиду обид Умар ибн Абдулазиз эканини билмасди.

Йигитнинг сафари Дамашкнинг оддий маҳаллаларидан бирида лойдан қилинган эски уй

олдида ниҳоясига етди. Унга «Амирул мўмининни шу жойда топасиз», дейишганди, лекин асло бунга ишонмади. Зоро, дунёга молик бўлиб турган одамнинг уйи қандай қилиб бундай жойда бўлсин?! Йигит уйга яқинлашиб келиб қараса, бир киши деворни тузатиб турар, унинг кўли ва кийимлари лой эди. Олдидан ўтаётган ҳар бир киши: «Ассалому алайкум, эй Амирул мўминин», дейиши йигитни саросимага солиб қўйди.

«Дунёни бўйсундириб турган подшоҳ мана шуми? Ажаб иш бўлди-ку!» У шундай ўйлар ичра хаёлга шўнғиган пайтда бир аёл боласи билан Амирул мўмининдан «Байтул мол»дан берилаётган нафақасини кўпайтиришларини сўраб келиб қолди. Шунда унинг ўғли Амирул мўмининнинг боласи ўйнаётган ўйинчоққа талпинди ва унинг қўлидан тортиб олди. Амирул мўмининнинг ўғли ўйинчоғини қайтариб оламан, деган пайтда аёлнинг ўғли уни уриб юборди. Шунда боланинг юзи қонади ва ҳар қандай она каби Амирул мўмининнинг завжалари ҳам боласи томон чопди ва уни бағрига босиб, ярасини боғлади. Кейин ҳалиги аёлга ва унинг боласига бақира кетди.

Халифанинг хотини ким эканини биласизми? У сарой ва подшоҳ тарбияланувчиси, отаси, эри ва иниларининг ҳаммаси мусулмонларнинг буюк халифалари бўлган Фотима бинти Абдулмалик эди. Шунда Умар ибн Абдулазиз кўрқинч чулғаб олган аёлнинг ва боласининг юзига бокдилар. Уларни тинчлантирадилар, сўнг ўз ўғилларидан ўйинчоқни олиб, боланинг қўлига бердилар. Аёлга оладиган нафақасига қўшимча қилиб берилишини буюрдилар. Сўнг ўз ўғилларининг юзидан ўпиб, уни ҳам тинчлантирадилар ва хотинларига қараб: «Мехрибоним, унинг боласини қўрқитиб юбординг. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Ким бир



мусулмонни қўрқитса, Аллоҳ уни қиёмат куни қўрқитади», деди, сўнг деворни тузатишни тўхтатди.

Йигит ҳалимлик оғушида эканини ҳис қилиб, Амирул мўмининг яқинлашишга журъат этди. Умар ундан нимага келганини сўраганларида, у шундай жавоб қилди: «Хўжам, Самарқанд ахлининг ҳақини сўрайман. Сизга Кутайба ибн Муслим устидан шикоят қилиб келдим. Биз сизнинг адолатингизни биламиз, инсоф қилишингиздан умидвормиз. Кутайба тўсатдан бизга хужум қилди. Биз уч кун душманга муҳлат бериш ва Ислом ёки жизя, ёхуд уруш ўртасида ихтиёрли қилиш сизнинг одатингиз эканини билардик». Умар: «Бу бизнинг одатимиз эмас, балки у Аллоҳнинг амри ва Расули соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатлариdir», деди. Шунда йигит: «Кутайба бундай қилмади», деди. Умар озгина ўйлаб турдилар, сўнг котибни чакириб, бир нималарни ёздирилар ва муҳр қўйиб, йигитга узатдилар-да: «Буни Самарқанд волийсига бер, Худо хоҳласа, у устингиздан зулмни кўтаради», дедилар. Яна деворни тузатишга қайтдилар.

Самарқанд волийси Амирул мўминининг хатини очиб ўқиди. Кейин йигитга: «Амирул мўминининг амри бош устига! Сизнинг муаммоингизни ечиш учун қози тайинлашимни буюриби. Буни тезлиқда бажараман. Икки кундан кейинга келишамиз. Ўғлим, боргин-да, қавмининг улуғларини келтир. Биз уларга омонлик берамиз», деди. Сунг Кутайба ибн Муслимни излаб одам жўнатди. Одамлар масжидга йиғилишди. Унда муҳокама бошланди. Мусулмон қози ҳозир бўлди. Эшикбон аъёнлар улуғини чорлади ва уни олдинга ўтқазди. Сунг Кутайба ибн Муслим чакирилиб, даъвогарнинг ёнига турғизилди. Сунг қози аъёнга юзланиб, даъвосини арз қилишга амр этди. Аъён: «Бу қўмондонингиз Кутайба ибн Муслим диёrimизга огоҳлантиришсиз кирди. Ҳамма мамлакатларга уч танлов: Ислом ёки жизя, ёки ҳарбни таклиф қилинади. Аммо бизни хийла билан босиб олди», деди. Қози Кутайбага юзланди ва: «Бу шикоятга нима дейсан?» деди.

Кутайба унга жавоб қилди: «Аллоҳ қозини ислоҳ қилсин! Ҳарб бу ҳийладир. Бу мамлакат ўта қудратли бўлиб, фатҳ олдида тўғаноқ бўлиб турганди. Мен билардимки, агар икки томон

урушадиган бўлса, қонлар анҳор бўлиб оқарди. Аллоҳ мени мана шу режага йўллади. Бу кутимаган ишимиз билан мусулмонларни катта заарардан ҳимоя қилдик ва душманимизнинг жонини асрардик. Ҳа, биз уларни фавқулодда ҳолга солдик, лекин уларни қутқардик ва уларга Исломни танитдик!».

Қози унга: «Эй Кутайба, уларни Исломга ёки жизяга, ёхуд ҳарбга чақириларингми?» деди. Кутайба жавоб берди: «Йўқ. Айтган сабабларимга кўра кутимаганда хужум қилдик». Шундай қози деди: «Эй Кутайба, сен икрор бўлдинг. Агар даъво қилинаётган киши айбига икрор бўлса, муҳокама тугайди. Эй Кутайба, Аллоҳ бу умматга фақат дин туфайлигина нусрат берган. Хиёнатдан сақланиш ва адолат илиа туриш диндаги буюкликлардандир. Аллоҳга қасамки, биз уйимиздан Аллоҳ йўлида жиход қилиш учунги на чиққанмиз. Биз ерга эга бўлиш, мамлакатларни босиб олиш ва унда ноҳақ олий бўлиш учун чиқмаганмиз!»

Сўнг қози башарият тарихидаги энг ажаб ҳукмни чиқарди: «Мусулмон қўшиннинг ҳаммаси Самарқанддан уч кун ичидан қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетсин ва шаҳарни ўз аҳлига қайтарсин. Уларга урушга ҳозирланишга фурсат берилсин. Сўнг уларни огоҳлантирсинглар ва Ислом ёки жизя, ёхуд ҳарб ўртасида ихтиёр берсинлар. Агар улар ҳарб танласалар, у ҳолда уруш бўлади. Бу Аллоҳ таоло шариатининг ва Пайғамбари соллаллоҳу алайхи васалламнинг татбиғи бўлади».

Самарқанд аҳлини ҳайрат чулғаб олди. Қўшин зудлик билан шаҳарни ташлаб чиқа бошлади ва уч кун ўтмай унда бирорта мусулмон қолмади. Каттаю кичик аҳоли шаҳар марказида тўпланишди. Улар бўлган ишга ишонмаётган эдилар. Улар: «Хулқи бундай қавм башарнинг энг яхшиси, унинг қозиси қилган иш мутлақ адолат, ўзининг атболарига бундай ишларни буюрадиган дин ҳақ дин», - дея ўзаро гаплашишарди.

Иш узоқ чўзилмай, Самарқанд аҳлининг ҳаммаси Исломни қабул қилди. Ҳа, бу Аллоҳнинг барҳаёт дини Исломдир! Бу бизнинг, умматларнинг яхшиси бўлган кунларимизда нур, раҳмат ва адолат билан ёзган тарихимиздир!»

«Ҳидоят имоми» китобидан олинди

Аллоҳ таоло сиз билан биз мўмин мусулмонларни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтишга буюради: «Албатта Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга саловат айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловат айтинг ва салом йўлланг». (Ах-зоб сураси, 56 оят.)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта саловат айтади, унинг ўнта гуноҳини ўчиради», деганлар. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қаламларига мансуб “Ҳадис ва ҳаёт” силсиласининг 35-жузи: “Зикр, дуолар, истиғфор ва тавба” китобида Набий алайҳиссаломга салавот бўлими бор.

Унда юқорида келган ояти карима шарҳ қилина туриб, хусусан, шундай дейилади: “Бу амрга биноан ҳар бир мўмин учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтиш ва салом юбориш фарз бўлиб қолади. Бу хусусидаги баҳсларда уламоларимиз: “Умр давомида бир марта ёки ҳар бир мажлисда бир марта ёки у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари ҳар зикр қилинганда бир марта саловат айтиш керак”, деганлар.

Амалда эса охиргиси – ҳар доим номлари зикр қиласиганда саловат айтиш урф бўлган. Аксинча, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номлари зикр қилинганда у зотга саловот айтмаслик мусулмонларнинг надоматга йўлиқишила-рига сабаб бўлади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўzlари Имом Термизий ва Имом Насаййлар ривоят қилган ҳадисда: “Кимнинг ҳузурида мен зикр қилинсанум, у менга саловат айтмаса, ўша одам баҳилдир”, - деганлар”. (Иқтибос тугади).

Мавлид ойининг кириб келиши бизга баязан ёдимиздан кўтарилган суннатларни яна қайта тиклашга, сийрат китобларини яна бир вараклашга, билмаганларимизни ўрганишимизга сабаб бўлади. Атрофдагиларга ҳам мавлид ойи баҳона шу илмларни тортиқ қаламиз.

Билмаганларга ўргатамиз, унугланларга эслатамиз. Ўзимиз ҳам албатта бу ўринда ўrnak бўлишга интиламиз. Лекин кўпинча илм олиш ва унга амал қилиш, суннатларни ва сийратни ўрганиш ҳақида сўз борар экан, аёллар ҳамиша вақтлари тифизлиги, уй ишлари билан ўта машғул эканликларини рўйач қилишади. Айни сабабдан бу фойдали ишларни амалга ошириш имконсиз экан, бирор кун “бала чакадан кутилиб, келин олиб, кейин” ҳамма ибодатларни бажаришни умид қилишади.

Аммо истак бўлса, имкон топилади. “Менинг ўтириб саловат айтишга вактим йўқ”. Марҳамат, ўтириб

айтманг. Бунга сизни хеч ким мажбуrlамайди, бошқа ҳолатда айтишни эса тақиқламайди. Туреб айтинг, юриб айтинг. Кўпчилик оналар ёш фарзандлари борлигини, суткадаги 24 соат вақтнинг ҳатто 25 соатини уларга сарфлашларини айтишади. Келинг, бу ҳолатдан яхшилик қидириб кўрамиз.

Сиз онасиз, фарзандларингизнинг бири болалар боғчасига боради, яна бири мактабга. Эрталабдан уларни боғча ва мактабга кузатиш жараёнини фойдали ҳолатга айлантириш мумкин. Айтайлик, сиз мактабга олиб бораётган фарзандингиз билан йўл-йўлакай сухбатлашиб кетасиз. Қайтаётганда эса ёлғиз ўзингизсиз. Уйга қайтадиган 10 дақиқани беҳуда хаёллар суриш билан ўтказмай, шу пайт ичиди 25 та саловат айтиш мумкин.

Энди боғчанинг навбати. Яна она бола атроф табиатни ўрганиб, боғчага етиб бордингиз, қайтишда 25 та саловат. Кейин мактабдан олиб келиш учун йўлда яна саловат, боғчадан олиб келиш учун кетаётганда яна шу ҳол. Бир кунда жами 100 та саловат айтдингиз. Бир ойда 3000 та саловат бўлади. “Кўз қўрқоқ, қўл ботир” деган нақл бу ҳолга қанчалик мос келишини билмадиму, аммо имкон излаган инсон албатта уни топади. Шунингдек, мавлид ойи баҳонасида суннатларни жонлантириш ҳақида эслагандик.

Буни фақат ўзингиз ўрганиб колмасдан, яқинларингизга ва энг муҳими фарзандларингизга ўргатинг. Токи улар оддий кун тартибидан ўрин олган ишлар бўлиб қолсин, ажралмас одатларимизга айланиб кетишин. Масалан қайси бир ўзбек хонадонига кирмайлик, ҳамма жойда таомдан олдин, дастурхонга ўтиришдан олдин қўл ювилади. Таомга “бисмиллаҳ” деб қўл узатилади. Аввал катталар бошлишади, ҳамма ўз олдидан ейди.

Аслида булар миллий одат эмас, диний негизга эга суннат амаллардир. Буларнинг ҳар бирини бажаришда бизга савоб бор, иншааллоҳ. Энди шу суннат одатларинг сафини кўпайтириш, бажаришда мукаммалликка эришиш ҳам лозим. Масалан ҳар сафар таомлангандан сўнг тищларни мисвок қилиш, уйқудан уйғонганда ёки ўринга ётаётib маҳсус амалларни бажариш, дуоларни ўкиш.

Агар бу илмларни амалда кўллашга одатлансанак, улар кундалик ҳаётимизга кириб боришса, дунёда биздан саодатлироқ киши топилмайди. Чунки баҳтили яшашнинг сири ҳам асли иймон лаззатини ҳис қилиш ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилмоқлиқдадир! Аллоҳ барчаларимизга шу саодатга эришмоқлиқни насиб этсин!

Умму Муҳаммад Билол

Ҳар бир мўмин мусулмон банда ҳазир бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири баҳилликдир. «Бахиллик» лугатда карамлилик ва сахийликнинг зиддидир.

Уламолар истилоҳида баҳиллик бир неча хил таъриф қилинган бўлиб, улар бир бирини тўлдириб келади.

Журжоний дейди: «Бахиллик ўз молини ман қилишдир».

Яна: «Ҳожат тушганда ўзидан устун кўришни тарк қилиш баҳиллик хисобланади», деган.

Ибн Ҳажар: «Бахиллик сақлаб турилган нарсадан талаб қилинганда ман қилишдир», деган.

Шариат истилоҳида «баҳиллик» бериш лозим бўлган нафақани қилмаслиkdir.

Баҳиллик энг ёмон хулқлардан бири хисобланади. Баҳилликнинг даражаси иккитадир.

1. Ўзида бор нарсага баҳиллик қилиш.

2. Ўзгада бор нарсага баҳиллик қилиш. Бу энг ёмонидир. Уни «Нисо» сурасидаги: «Бахиллик қиласиганлар ва одамларни баҳилликка буюрадиганлар», деган оятдан билиб олса ҳам бўлади.

Уламоларнинг таъкидлашларича, баҳилликнинг энг ёмони кишининг ўзига ўзи баҳиллик қилишидир. Кўпгина баҳиллар мумсиклик қилиб, молини ўзига сарфламай, бемор бўлиб қолганлар. Улар даволанишга пул сарфлашдан ҳам баҳиллик қиласидар.

Баҳиллик ҳакида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам бир неча ҳадислар ворид бўлган. Қўйида улар билан танишиб чиқсан.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилдилар ва: «Баҳилликдан сақланинглар. Чунки у сиздан олдингиларни ҳалок қилган. уларни баҳилликка амр қилди, баҳиллик қилдилар. Уларни алоқаларни узишга буюрди, уздилар. Фужурга буюрди, фужур қилдилар», - дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Имрон ибн Ҳусайндан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳ бир бандага неъмат берса, унинг асари ўша бандада зоҳир бўлишини яхши кўради», - дедилар».

Абу Бакр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатга бузғунчи ҳам, миннатчи ҳам, баҳил ҳам кирмайди», - дедилар».

Баҳилликнинг заарлари:

1. Баҳиллик иймон билан жам бўлмайди.
2. Баҳиллик кўпгина нуқсонларнинг аслидир.
3. Баҳиллик кўплаб ёмон хислатларга сабаб бўлади.
4. Баҳиллик Аллоҳ таолога ёмон гумонда бўлиш аломатидир.
5. Баҳиллик ақлнинг озлиги ва тадбирнинг ёмонлигига далилдир.
6. Баҳиллик инсонни ҳалокатга элтувчиidir.
7. Баҳиллик ахлоқни бузучидир.

Бахиллик

8. Баҳиллик улуғнинг обрўсини тўқади.

9. Баҳил бу дунёда маҳрумдир, охиратда малъундир.

Уламолар баҳиллик чегараси ҳакида ўзига хос баҳс юритганлар. Баъзилар, сарф қилиниши вожиб бўлган нарсани ман қилиш баҳиллиқдир, ўзига вожиб бўлган нарсани адо қилган шахс баҳил бўлмайди, деганлар.

Бу гап унча тўғри эмас. Ҳоким ўзига белгилаб берган миқдордаги нафақани аҳли аёлига бериб, ундан зиёда ҳеч нарса бермай қўйган одам баҳил бўлади.

Тўғриси, баҳиллиқдан қутулиш учун шариатда вожиб қилинган миқдорни бериш билан бирга мурувват тақозо қиласиган нарсани ҳам сидқидилдан бериш керак бўлади. Шариат вожиб қилган нарса закот ва аҳли аёл нафақасидир. Мурувват тақозо қиласигани эса торлик вужудга келтирмаслик ва майдада чўйда нарсаларга ҳам эътибор беравермаслиkdir. Чунки бу ҳолатни одамлар «пасткашлик» дейдилар.

Бу нарса ҳолат ва шахсларга қараб турлича бўлади. Камбағал учун оддий ҳолат бўлган нарса бой учун пасткашлик бўлиши мумкин. кишининг тор олиши бола чақасига қилинганда пасткашлик бўлса ҳам, бегонага қилганда ундан бўлмаслиги мумкин.

Баҳил — шариат ҳукми ва мурувват тақозоси илиа ман қилиш мумкин бўлмаган нарсани ман қилган шахсдир. Шариат вожиб қилган ва мурувват тақозо этган нарсани бемалол сарф қилган киши баҳил дейилмайди. Аммо бундан яна ҳам зиёданি сарф қиласигучча сахий ҳам бўла олмайди.

Баҳилликнинг асосий сабаби молга бўлган муҳаббатdir. Бу муҳаббатнинг икки сабаби бор. Биринчиси, орзуни узун қилган ҳолда молсиз эришиб бўлмайдиган шаҳватларга муҳаббат қўйиш. Умиди узун бўлмаса, бола чақаси ҳам узун орзу ўрнига ўтаверади. Иккинчиси, молнинг ўзига муҳаббат қўйиш. Баъзи одамларнинг умр бўйи етиб ортадиган молу мулки бўлади. Ўзи қариб, бир оёғи тўрда ю, бир оёғи гўрда аҳволда бўлади. Шунда ҳам ўзига вожиб бўлган молни чиқармайди, садака ҳам қиласига ҳам бўла олмайди. Ўлса моли душманларга қолишини ёки зое бўлишини ҳам билади. Бу давоси йўқ дардdir.

Ҳар бир нарсанинг иложи унинг зидди билан бўлади. Шаҳватларга берилиш қаноат ва сабр билан даволанади. Умидни узун қилиш ўлимни кўп эслаш билан даволанади. Ўзида баҳиллик дардининг алломатларини сезган одам унинг ёмонлиги ҳакидаги оят ва ҳадисларни кўп ўқиши керак. Баҳилликнинг заарлари ва оқибатини эсга олиш лозим. Сахийликни эсга солувчи оят ва ҳадисларни ўқиб, амални шунга тўғрилаш зарур.

«Руҳий тарбия»нинг I-жузидан олинди.

БОЛАЛАР УЧУН

«МАВЛИД» БАЙРАМИГА ТАВСИЯЛАР

Келинг, бу мавлидни «Суннатни тирилтирамиз» деб номлаймиз. Бунда аввало Рабиул аввал ойи кириши билан болаларимиз ёшига қараб, уларга кундадик қўлланадиган ҳадислардан кунига биттадан ўргатиб бориш ва унга катталар ҳам биргаликда амал қилишимиз керак. Байрам кунини белгилаймиз.

Ҳар галгидай ишни байрам учун уйни безатишдан бошлаймиз.

Уйни безашда Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга оиласларига оид плакатлар (оиласларининг шажара дараҳти, у кишини ҳаётларидаги муҳим саналар, Қуръонда келган 25 та пайғамбарнинг исмлари...).

Уйда доим фойдаланишимиз керак бўлган суннат амаллар (хожатхонага киришда унга кирганда ва чиққанда айтиладиган дуо, овқатланиш хонасига овқатланишдан аввал ва кейин айтиладиган дуо..).

Болаларимиз ўз қўллари билан ясаган беҳзаклар (гарчи хунук ёки асабга тегадиган, уй кўркига ҳалақит қиласидиган бўлса ҳам. Агар бу ишларини танқид қилсан ёки ёқмаганини билдирансақ, улардаги ижодкорлик сўниши мумкин).

Шарлар, тайёр беҳзаклар ва ҳоказо. Уйда байрамона кайфият билиниб турсин.

Байрамда фарзандларимиз учун кичик тадбир уюштиришимиз янада улар учун фойдали ва эсда қоларли бўлади, инишаллоҳ.

Тадбирни, албатта, Қуръон тиловати билан бошлаймиз.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларига албатта тўхталиб ўтамиз. Бу ишни каттароқ ёшдаги фарзандимизга юклаб, унга тайёрланиши учун қўмак беришимиз керак.

Набийимиз алайҳиссалом ҳаётларига оид викторина саволлари (бу шартни ота ёки она ўз зиммасига олади ва болаларнинг ёшига мос ҳар бирлари учун алоҳида саволлар тайёрлаймиз).

Болаларимиз ака-укалари, опа-сингиллари учун саволлар тайёрлашлари ҳам мумкин.

Ҳар-хил эпчиллик ва чаққонлик шартлари ҳам қўшсак бўлади. Буёғи ўзингиз ва оиласигизга боғлиқ

Тадбирни болаларимиз ҳаққига ҳар бирлари «Мухийюссуннаҳ» бўлишларини сўраб дуо қиласиз. (Тадбиримизнинг умумий вақти 1-2 соат оравлиғида бўлгани маъқул).

-Тадбирдан сўнг улар учун безатилган камтарона, маъқул келадиган байрам дастурхонига уларни таклиф этамиз.

Гулишода тайёрлади.





ТОПШИМОҚЛАР



Каъбатуллоҳ қурилган
Бу жойни ҳамма билар
Расулуллоҳ түғилган
Айтингчи, қайси шаҳар?
(МАККА)

Қанотлари бор – катта
У ваҳийни келтирган
Бу хабарчи фаришта
Қани айтинг, ким экан?
(ЖАБРОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ)

Тарихда уни илк бор
Билол бобо айтганлар.
Бу нима, кунда беш бор
Бизни намозга чорлар?
(АЗОН)

Хикматдир ҳар бир сўзи
Расулуллоҳ сўзлаган,

Бухорий бобомиз энг
Ишончлисин тўплаган.
Буни ҳамма билади
Ким биринчи топади?
(ХАДИС)

Аллоҳ Ўз Расулига
Ваҳий туширди илк бор
Ўшандা нурга тўлган
Айтингчи, бу қайси ғор?
(ХИРО)

Мусулмонлар бу кунда
Катта сафар бошлишган
Маккадан Мадинага
Дадил қадам ташлашган
Мусулмонлар тақвимин
Бошланар шу санадан
Ким билар бу топишмоқ
Хабар берар нимадан?
(ХИЖРАТ/ХИЖРИЙ САНА)

Зарнигор тайёrlади.



КҮЗ ЁШ ТҮКИШ ОДОБИ

Тафаккур, зикр, Аллоҳдан кўркув туфайли, хато, гуноҳ ва исёнлар учун тўкилган бир томчи кўз ёшининг инсон қалбига накадар муҳаббат, ҳаяжон ва нурли бир фалаён бериши фақат қалб аҳлигагина маълум....

Инсон ожизлигини ва Роббига сифинишини кўз ёшлари билан ифода қиласди. Кўз ёши ожизликка ишорадир. Ожизлик эса бандаликдир. Яъни, Роббининг азамати қархисида ожизлигининг эътироф этиши, кибр ва ғуурурдан халос бўлиши демакдир.

Кўз ёши кўркув ва тафаккурдан келса, инсонга олийлик ва маънавий юксаклик баҳш этади.

Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ёш тўкканлар. Бутун манбаларни тафтишимиздан сўнг билиндики, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яширин йиғлаганлар. Чунки, ошкора йиғига кишининг нафси аралашиши мумкин.

Шу сабабли Аллоҳнинг дўстлари ўз асарларида ошкора йигидан ман этғанлар. Кечанинг ярмида танҳолик ҳолатида истисно қилганлар.

Мўминнинг йиғлаши кулишидан кўп бўлиши кераклиги ҳакида Аллоҳ таоло ўз китобида марҳамат киласди: «**Бас, қилган касблари туфайли оз қулиб, кўп йиғласинлар**» (*Тавба сураси 82-оят*).

Инсонга йиғи ва кулгини Аллоҳнинг ўзи берган. Марҳамат ирмокларини харакатга келтирган, кўркув ва рагбат туйғуларини жўштирган ҳам Ўзидир.

Аллоҳ таоло яна айтадики: «**Ва, албатта, кулдирган ҳам Ўзи, йиғлатган ҳам Ўзидир**». (*Нажм сураси 43-оят*).

Охирини ўйламай, қундалик арзимас нарсалар билан баҳтли бўлишга интилган ва йўлда кулиши йиғисидан кўп бўлган исонларга Аллоҳ таоло хитоб қилиб: «**Ва куласизлар-у, йиғламайсизлар**», деган. (*Нажм сураси 60-оят*)

Ҳадиси кудсийда бир томчи кўз ёшининг минг олтин садака қилишдан ҳам фазилатли экани баён қилинган:

«Сени Аллоҳдан кўрқиб бир томчи кўз ёш тўкишинг, албатта минг динор садака қилишингдан ҳам Менга севимлидир» (*Рухул-баён, 3/476*).

Сарвари коинот Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрни келганда тишларининг оқи кўринар дараҷада табассум қилганлар. «Агар сизлар мен билганларимни билганингизда, оз қулар ва кўп йиғлар эдинглар», - дедилар. (Доримий. Сунан, 2619).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши дедилар: «Ё Расулуллоҳ! Нажот ва саодат қаерда?», - деб сўрайди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тилингни сақла, уйингни кенг ол, хатоларингдан йиғла!» дедилар. (Термизий) ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида эдик. Шундай табассум қилдиларки, хатто тишларининг оқи кўринди».

Умар розияллоҳу анҳу сўради:

“Ё Расулуллоҳ, нега қулдингиз?”

Узот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Умматидан икки киши Роббул азза ҳузурида тиз чўктирилган ҳолда ҳисоб қилинардилар. Улардан бири:

«Эй Роббим! Бу биродаримдан ҳаққимни ол!», - деди.

Аллоҳ таоло дейди: «Биродарингнинг ҳаққини бер!»

Иккинчиси дейди: «Эй роббим менинг яхшилик ва савобларимдан ҳеч нарса қолмади».

Биринчиси дейди: «Гуноҳларимдан унга юкла».

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овоз чиқариб йиғладилар ва дедилар-ки: «Бу ўша буюк кун учундир. У куни киши ўзининг гуноҳлари юклатиладиган бошқа бир кишига муҳтож бўлади! Ҳаққини талаб қилган кишига Аллоҳ таоло: «Бошингни кўтаргин! Жаннатларга қара!» дейди.

У кимса бошини кўтариб: «Эй Роббим кумушдан шаҳарлар, тиллодан саройларни кўряпман. Яна ёқутлар билан безатилган. Булар қайси пайғамбар ёки қайси сиддиқни ёхуд қайси шаҳидники?» - деб сўрайди.

«Ким баҳосини бера олса ўшанини!» - дейди Аллоҳ таоло. У киши яна сўрайди: «Эй Роббим буларнинг баҳосини беришга кимнинг қурби етади?» Аллоҳ таоло дейди: «Сенинг».

Бояги кимса: «Нима қилиб?» - деб сўрайди. Аллоҳ таоло деди: «Биродарингни кечиришинг ила!»

У киши: «Эй Роббим биродаримни кечирдим», - дейди. Шунда Аллоҳ: «Биродарингнинг қўлидан ушла! Икковингиз жаннатга киринг» - деб айтади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзларида давом этиб: «Аллоҳдан кўрқинг, такво қилинг! Биродарларингизни орасини ислоҳ қилинг! Аниқки, Аллоҳ таоло қиёмат куни мўминларнинг орасини ислоҳ қилиб, тўғирлайди», - дедилар.

Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламни бир кишини оғир вазиятда қолиши йиғлаттан эди. Қиёмат куни Аллоҳ таоло ҳузурида умматлари тушадиган ҳоли учун йиғладилар. Овоз билан йиғладилар.... Сизга эй севиклигимиз Расулуллоҳ, коинотнинг зарралари, денгизларнинг кўпиклари, дарахтларнинг барглари, ёмғир-у, қорнинг томчилари, қуёшнинг алвон нурлари, наботот мевалар-у, юлдузларнинг ададича салоту саломлар бўлсин!

Мулоҳаза қилайлик! Азиз уммат бугун биз нима учун кўз ёш тўқаяпмиз?!

Муяссар тайёрлади.

ИЛМ ҲАҚИДА УЛУҒЛАРНИНГ ЎГИТЛАРИ

Киши илм ўрганишда давом этаётган паллада олимдир. «Олим бўлдим, энди бас», деб хулоса чиқарган чоғидан бошлаб жохилдир. (*Абдуллоҳ ибн Муборак*)

Олимларнинг жазоси – қалбларининг ўлганидир. Қалбнинг ўлиши эса илми ва ухровий амаллари бўла туриб, дунёвий ниятлар кетида юрганидир. (*Ҳасан Басрий*)

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади. (*Абу Райхон Беруний*)

Ёшларимиз замонавий ва ижтиомий фанларни ўрганмоқлари зарур. Акс ҳолда ҳаётнинг охирги ғилдирагига айланамиз, тарихимизга, аждодларимизга, миллатимизга, динимизга хиёнат қилган бўламиз. Исломнинг ilk фармонига ижобат қилмоқ – ўқимоқ динимиз амридир. (*Абдулфаттоҳ Шоҳин*)

Билим – барча кулфатларга қалқондир. (*Абу Абдуллоҳ Рӯдакий*)

Тириклик илм билан бўлур. Роҳат маърифатда бўлур. Лаззат Худонинг зикрида бўлур. (*Абу Язид Бастомий*)

Илмни амалда қўллай олмас экансан, кўп билишингдан фойда йўқ. Ахир сен мингта найза билан душманга ёлғиз қарши боролмайсан-ку! (*Мажидиддин Хавофиий*)

Илм талаф қилинглар, фақат илмни ҳилм (муло-йимлик) ва викор билан яширинглар. (*Ҳасан Басрий*)

Икки киши чиқарган фитнани ҳатто шайтон ҳам чиқара олмайди: дунё ҳирсига берилган олим ва илмсиз сўфий. (*Абул Ҳасан Ҳарақоний*)

Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. (*Амир Темур*)

Илм инсоният гавҳаридир. (*Мирзо Бедил*)

Аллоҳ ҳар бир қалбга илм гавҳарини солганки, бандасининг кунт-матонати, меҳнати давомида доимо сайқал топур. (*Абу Лайс Самарқандий*)

Олимларнинг илмини, файласуфлар назариясини тўплаб, амалда нодонлар даражасида иш кўрувчи-лардан бўлма! (*Ҳасан Басрий*)


Фарзандингнинг тили калимага жуфтланган кундан бошлаб, унинг онгига қуидаги уч муборак

жумлани қўймоғинг фарздир: «Ассалому алайкум», «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», «Аллоҳу акбар». (*Абу Лайс Самарқандий*)

Илм намояндаларига баҳиллик қилма. Зеро, илм бир ҳазинадирки, ундан қанча фойдалансанг ҳам, бойликдан фарқли ўлароқ, барибир кўпайиб бораверади. (*Мажидиддин Хавофиий*)

Афлотундан сўрадилар: «Ўқиши-ўрганиш токайгача иззат ва хурматда бўлғуси?» У жавоб қилди: «Жоҳиҳиллик нуқсон деб ҳисоблангунга қадар». (*Жалолиддин Давроний*)

Амалда қўлланилмайдиган билим жонсиз танага ўхшайди. Билим дараҳтдир, амал эса унинг меваси. Ҳосил бермайдиган шоҳ носоғлом бўлади. (*Ҳусайн Ваиз Кошифий*)



САРАТОННИНГ СУННАТГА МУВОФИҚ ДАВОСИ

*Қора дона ўлимдан бошқа ҳар бир дардга даводир.
(Ҳадисдан)*

Ушбу ҳадиси шарифдаги ҳақиқатга ҳаётимда беморлар билан сұхбат мобайнида ва кузатувларим асосида янада күйпроқ амин бўлдим. Касбим тақозоси билан кўп беморлар билан мулоқотда бўламан. Уларнинг ҳар бири ўзга бир олам, ҳар бирининг ўз дунёкараши, ўзига хос феъл-атвори, яшаш тарзи ва орзу-умидлари бор. Аммо ҳар бирининг муштарак истаги, мақсади бир — ушбу касаллигидан батамом ҳалос бўлиш. Лекин ҳаётда шундай бўладики, кимдир бу мақсадига етиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиласи, кимларгадир эса шифо ушалмас орзу каби саробдек туюлади. Ана шундай беморлар орасида саратон касаллигига чалинган беморларни қайд этиш мумкин.

Саратон! Қалбларга қўркув солувчи ҳукм каби қабул қилинувчи оғир ташхис...

Ҳикоям қаҳрамонини ҳам (бу воқеа яқин кунларда биз билан ҳамнафас яшаётган замондош Абдуллоҳ (исми ўзгартирилди) исмли йигитнинг бошидан кечиргандар) ушбу ташхис гангитиб қўйди. 31 ёшга қадам қўйган, институтни тугатиб, банк соҳаси бўйича ишга кириб, турмуш ўртоги ва жажжи ўғилчаси билан турмуш гаштини сураётган йигит учун бу оғир синов бўлди. Охирги пайтларда тез толиқиб, ҳолсизлананаётгани, иштаҳаси сусаяётганини ишхонасидаги кўп юкламалардан чарчашиб, асабийлашиш билан боғлаётган Абдуллоҳ қов ва бел соҳасидаги ўқтин-ўқтин безовта қилаётган оғрикларга дастлаб эътибор бермади.

Унча-мунчага шифокорларга мурожаат қилавермайдиган Абдуллоҳ бир куни кечаси ўтқир пешоб тутилиши, бел ва қовуқ соҳасидаги қаттиқ оғриклини ҳис қилиб уйғониб кетди. Одатдаги тиббий муолажалар наф бермагач, у Республика Онкология Илмий Текшириш Институтига маслаҳат учун жўнатилди. Чуқурлаштирилган текширишлар асосида Абдуллоҳга «Семинома» (жинсий аъзо раки, 3-босқичи, қорин бўшлиғи ва ўпкага метастази билан) ташхиси қўйилди.

Бемор кимётерапия муолажаларига розилик бе-

ришдан аввал кўп ўйланди. Сабаби унинг ножӯя таъсиrlари ҳақида шифохонадаги беморлардан эшигтанди. Касаллик белгилари кучая бошлагач, розилик беришга мажбур бўлди. Тегишли даво муолажаларидан сўнг кимётерапия муолажалари бошланди. З марта кимётерапия олгач ҳам, қонидаги саратон ҳужайралари борлигини кўрсатувчи тест (АФП) ижобий чиқавермагач (бу кўрсаткич меъеридан анча баланд эди), Абдуллоҳ ҳаётдан умидини уза бошлади. Бутун ҳаёти кўз олдидан ўта бошлади. Унинг катта опаси анчадан бери унга Набавий табобат йўли билан даволанишни, буни ихлос билан қилса, шифо топишини таъкидлаб келарди.

Ахволи тобора оғирлашиб бораётган Абдуллоҳ 4-кимётерапия муолажаларини олишдан бош тортди. Аллоҳдан дардига шифо беришини сўраб, суннат асосида даволана бошлади. У ҳар куни седана донларини асал билан бирга қабул қиласи, тия сути (ва адашмасам, пешобини ҳам) маълум тартиб асосида қабул қиласи, шифобахш гиёҳлар дамламасини ҳам канда қилмасди.

Шу зайлда бир неча ойлар ўтди. Абдуллоҳ ўзини тобора яхши ҳис эта бошлади, кўнгил айниши, лоҳаслик, оғриклар, нафас сиқиши йўқолди. Вазнига вазн қўшилиб борарди. Унинг ва оила азоларининг дуолари зое кетмади. Текширувлар унинг қонидаги онкомаркёрлар (саратон борлигини кўрсатувчи АФП кўрсаткичи) меъёрига тушганини кўрсатарди...

Ҳа, ўлимдан бошқа барча касалликларга шифо бор. Ҳозирда мен шахсан таниган ушбу бемор соғайиб, ҳатто ишга тушиб кетган. Оиласи даврасида. Мени қўлимга қалам олишга айнан мана шу воқеа сабаб бўлди.

Нега биз бальзи суннатларга беэътибормиз? Нега бизга икки дунё баҳту саодатини раво кўриб, умматларининг соғлиғи ҳақида ҳам қайғурган Наби-йимиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саломатлик борасида берган тавсияларини маҳкам ушламаймиз?! Нега касал бўлгачгина бу ҳақида ўй-

лаб қоламиз? Шу ва шу каби саволлар мени Набавий тибдаги асосий даволардан бири ҳисобланувчи седананинг саратонга қарши таъсири борасидаги илмий маълумотлар излашимга сабабчи бўлди.

Тадкиқотлар кўрсатишича, саратон (рак) ҳозирги замонда ўлим ҳолатига олиб келувчи хавф сифатида миокард инфарктидан кейин 2-ўринда туради. Кенг тарқалганига қарамай, бу касалликнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлиши аниқ эмас. Тахминларга асосланилган холос.

Касалликни даволаш ва уни назорат қилишга қаратилган катта ҳажмдаги изланишлар ва ҳаракатларга қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар бу касалликнинг турли кўринишлари оқибатида дунёдан кўз юммоқдалар. Ўтган асрда замонавий тиббиётда бу касалликка қарши курашда катта ютуқларга эришилди. Аммо саратон ҳали ҳам тўлиқ даволанилмайдиган касалликлар қаторида эътироф қилиниб келиняпти. Олимлар янги ва ишончли маълумотларга эга бўлиш учун ҳалқ табобатини замонавий тиббиёт билан параллел равишда ўрганиб, изланишлар олиб бормоқдалар. 1000 йиллар давомида *Nigella Sativa* (кора седана) нинг уруғи, ёғи ва экстракти Аювердик тиббиётда, Юнон табобати ва Хитой табобатида саратонга қарши восита сифатида қўлланилиб келинган.

Кўп асрлар давомида кора седана уруғи (порошоги) ва ёғини бутун дунёда, айниқса, Осиё, Африка, хусусан, Яқин Шарқда миллионлаб кишилар кенг истеъмол қилиб келишган. Ажойиб хушбўйлиги билан ажралиб турувчи ўсимлик уруғи ҳалқ табобатида ошқозон, юрак, кўз, нафас олиш йўллари, астма, бронхит, жигар ва буйраклар дисфункцияси, бош ва тиш оғриқлари, шамоллаш, кўнгил айниш, кусиши каби кўпгина касалликларга қарши ажойиб шифобаҳш доривор сифатида бежиз ишлатиб келинмаган.

Бунинг устига, айнан кора седана инсон соғлигини тиклаш ва иммун тизимини мустаҳкамлаш, куч-кувватини кўтаришда мисли йўқ шифобаҳш воситадир. Шунингдек, кора седанани асаб системаси, ошқозон-ичак яралари, гижжа касалликлари, меъёрдан чиқкан ҳайз ҳолатлари ва ҳатто саратон касалликларини даволашда ҳам қўлланилган.

Ушбу мақола кора седананинг саратонга қарши таъсирини кенгроқ ёритиш мавзусидаги илмий изланишларга асосланган. *Nigella Sativa* (кора седана) нинг саратонга қарши таъсирини ўрганишга қаратилган изланишлар нисбатан яқин йилларда (сўнгти 20-30 йилда) олиб борилди.

Кора седана уруғида кўп биологик актив ингридиентлар аниқланган. Уруғлар ўзида эфир мойлари,



оқсил, алкалоидлар ва сапонинлар деб аталувчи моддаларни тутади. (Ali, Blunden 2003). Олимлар томонидан седана таркибидаги 4 хил фармакологик мухим компонентлар аниқланган: тимохинон (TQ), дитимохинон, тимодигидрохинон ва тимол.

Ана шулар орасида тимохинон (TQ) деб аталувчи модда кучли антиоксидант, анти-канцероген (саратонга қарши) ва анти-мутаген таъсиrlарга эга моддадир. Шу билан бирга у нисбатан хавфсиз (айниқса оғиз орқали қабул қилинганда) бирикма хисобланади. Бундан ташқари седана уруғи таркибидаги Альфа-гедерин ва сапонинлар ҳам табиий шароитда кучли саратонга қарши таъсирга эгалиги аниқланган.

Қора седана уруғи ва унинг ёғи ёки унинг фаол ингридиентлари, хусусан TQ саратоннинг қуйидаги турли кўринишларига қарши самарадорлиги (хайвонлар ва инсонлар устида ўтказилган тажриба, синовлар асосида) кузатилган:

- Миелобласт лейкоз (оққон касаллигининг бир кўриниши);
- Кўрак бези саратони;
- Тери раки;
- Жигар саратони;
- Ошқозон ости бези саратонининг айрим турлари ;
- Ўпкасаратони
- Фибросаркома;
- Буйрак саратони.

Маълумки, саратон касаллиги иммунитет ўта пасайиши фонида ривожланади. Шунинг учун организм ҳимоя кучларини оширишда ҳам бу ўсимликдан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ. Организмни умумий мустаҳкамлаш учун седанани овқатдан кейин одатдаги бир кунлик (суткалик) меъёр бўлган 1 чой қошиғида истеъмол қилиш яхши натижা беради, бундан кўп меъёрда истеъмол қилиш ярамайди.

Касал аъзо сиртидан седана ёғини суртинг. Шунингдек, кунига 3 маҳал 1 чой қошиқ қора седана ёғи аралаштирилган янги олинган 1 стакан сабзи шарбатини (ичишдан олдин яхшилаб силтаб аралаштириб) ичинг. Бу дорини ичишни 3 ой давом эттирасиз. (Томоқ саратони билан оғриган бир аёлнинг қора седана ёғи ёрдамида муваффақиятли шифо топгани тажрибадан маълум).

Шунингдек саратон (рак) касаллиги билан оғриганларга қора седанани саримсоқпийёзга қўшиб истеъмол қилиш ҳам тавсия этилади.

Онкологик касалликларни даволаш учун қора

седана ёғини бир бош кичкина пиёз аралаштириб истеъмол қилиш ҳам тавсия этилади. Муолажа бир ойдан кам бўлмаган муддат давом эттирилиши зарур.

Томоқ саратонида кунига қора седана ёғи истеъмол қилиш тавсия этилади.

Уни касалликдан фориғ бўлиш ниятида истеъмол қилиш меъёри ва муддати бўйича ҳеч қандай чеклаш йўқ. Лекин АҚШда ўтказилган тадқиқотлар уни кунига 1 граммдан 2 маҳал истеъмол қилинса, иммун тизимини фаоллаштирувчи шифобахш модда эканини исботлаган.

Қора седана ёғини мунтазам истеъмол қилиб туриш умумий даволаниш жараёнига ёрдам беради, инсон организми инфекцияларга қарши фаолроқ курашади, саломатликни мустаҳкамлайди. Қора седана иммун тизими заифлашган ҳамма кишиларга тавсия этилади.

Огоҳлантириш

Ҳомиладор аёлларга ва аъзолари (жигар, буйраклар, юрак) трансплантация қилинган кишиларга қора седана ва седана ёғи истеъмол қилиш ман қилинади, уни истеъмол қилинганда организм иммунитети кўтарилади, бу эса жарроҳлик йўли билан қўйилган ўзга аъзоларнинг бегоналашувига олиб келиши мумкин.

Қора седана ва унинг ёғини мутахассиснинг маслаҳатисиз истеъмол қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қора седана компонентларининг саратонга қарши таъсири минг йиллар аввал тан олинган эди. Юқоридаги илмий тадқиқотлар эса - бу энди янги тарих.

Бу соҳада янада янги ва кенг миқёсдаги тадқиқот ишларини олиб бориш зарур .Чунки қора седана айрим саратонни даволашда қўлланилувчи кимёвий препаратларга нисбатан безарар ва самарали, таъсири хисобланади. Шунингдек, Набавий табобатни ҳам замонавий тиббиёт билан бир қаторда ўрганиб, инсон саломатлигини сақлашда қўл келувчи Пайғамбаримиз соллалюҳу алайҳи васаллам ўғитларига амал қилиш зарур деб хисоблайман.

*Pub Med , Web of science ва бошқа
интернет материаллари ҳамда
шахсий кузатилилар асосида тайёрланди.*

Рабиул аввал

Omina

ЛИБОС



Бугунги күнимизга назар соладиган бўлсак, аёлларнинг асосий сұхбатлари уй анжомлари, безаклари ҳақида бўлиб қолган. Албатта муслималар уйларининг ораста, чиройли тутишлари матлубдир. Лекин дунё матоҳларига жуда берилиб, ҳаддан ошиш авж олган замонда мусулмонлар ўзларини йўқотиб қўйишлари аянчли ҳолдир. Масалан, бир оила учун янги уй олинди ёки эски уй таъмирдан чиқди. Уни жиҳозлаш, албатта, ҳамманинг ўз дидига боғлиқ. Аммо бу ўринда мўътабар китобларда нима дейилганига бир бор кўз юргутириш ва албатта, суннатга амал қилиш лозим.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркакка бир тўшак. Аёлига бир тўшак. Учинчиси меҳмонга. Тўртингиси шайтонга», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Бундан уй анжомлари оила аъзоларига ва уларга келадиган меҳмонларга етарли бўлиши матлуб экани, ундан ортиги макрух экани келиб чиқади. Чунки кераксиз нарсани тўплаш исрофдир. Исрофчилик Исломда қораланади. Ундан сўнг кераксиз уй жиҳозларини тўплаш риёкорликка, фахрланишга, кимўзарга бехуда уринишга, ўзаро ҳасадга ва камбағалларнинг кўнгли синишига олиб боради. («Ҳадис ва ҳаёт», 16-17 жуз)

Келинг энди бугунги кундаги ҳолатимизга аҳамият берамиз. Оила аъзоларимизга ва келиши мумкин бўлган меҳмонга етадигани маъқул, аммо ундан ортгани номаъқул бўлса, биз уларни ажратиб қўйишни ихтиёр қиласу, ортиқасини тарқатиб юборсак. Хўш, бизга нечта юк машина керак бўлади? Ҳеч бўлмагандан, «уйимда ҳеч нарсам йўқ» деган одамга ҳам битта юк машина керак бўлиши аниқ. Чунки биз уйда сақлайдиган ва «яхши ният» билан олиб қўйган рўзгор буюмларимиз шу қадар кўпки, улар нафакат бизга ва фарзандларимизга, ҳатто набира, абира ва чевараларга ҳам етади.

Келинг энди кейинги ҳадис билан танишамиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фаришталар ит бор уйга ҳам, ҳайкаллар бор уйга ҳам кирмаслар», дедилар».

Зайд розияллоҳу анху айтадилар: «Оиша розияллоҳу анхонинг ҳузурига бориб бу ҳақда сўрадим. Бас, у киши:

«Мен сизларга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилганларини айтиб берурман. У зот ғазотларига чиқдилар. Мен бир наматни эшикка парда қилиб қўйдим. У зот келиб наматни кўрдилар. Юзларидан ёқмаганини сездим. Бас, у зот уни тортиб олдилар-да, йиртиб ташладилар ва: «Албатта, Аллоҳ бизга тош ва лойни кийинтириш амр қилмаган»,

дедилар. Кейин ундан иккита болиш бичдик. Уларга лийф солдим. У зот буни менга айб санамадилар».

Иккисини Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Бу ривоятнинг ровийларидан бирлари Зайд ибн Холид розияллоҳу анхудир. У киши уйда жонли нарсанинг сурати ва ҳайкали бўлса, фаришталарнинг ўша уйга кирмаслигига сабаб бўлиши ҳақидағи ҳадиси шарифни ривоят қилиш билан бирга, бу масала бўйича яна ҳам кўпроқ нарса билиш мақсадида «Оиша розияллоҳу анхонинг ҳузурига бориб бу ҳақида сўрадим», дедилар.

Оиша онамиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан уй шароитида кўп яшаганлари учун бу каби масалаларни яхши билар эдилар. Шунинг учун ҳам эркагу аёл сахобалар у кишининг ҳузурларига масала сўраб кўп боришар эди. Мана, Зайд ибн Холид розияллоҳу анху ҳам мазкур масалани сўраб Оиша онамизга мурожаат қилдилар.

УЙ ЖИҲОЗЛАРИМИЗ СУННАТГА МОС КЕЛАДИМИ?

«Бас, у киши: «Мен сизларга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилганларини айтиб берурман», дедилар.

Яъни, бу масалада ўз фикримни айтмайман. Бу масала бўйича Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ишларнинг айни ўзини айтиб бераман.

«У зот ғазотларига чиқдилар».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сафардаликларидан фойдаланиб ҳужрамизни бир оз тартиба солиб қўйиш мақсадида

«Мен бир наматни эшикка парда қилиб қўйдим».

Ўзимча «Ҳам эшик очилганда ташқарини тўсиб туради, ҳам ҳужранинг ичи бир оз бўлса ҳам чиройли кўринади», деб ўйладим.

«У зот келиб, наматни кўрдилар. Юзларидан ёқмаганини сездим. Бас, у зот уни тортиб олдилар-да, йиртиб ташладилар»

Чунки бошқа ривоятларга кўра, мазкур наматда қанотли отларнинг сурати бор эди. Сўнгра Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ишларини шарҳлаб: «Албатта, Аллоҳ бизга тош ва лойни кийинтириш амр қилмаган», дедилар».

Шундан кейин уй ичида жонликнинг сурати бор нарсани сақлаш жоиз эмаслиги билинди.

«Кейин ундан иккита болиш бичдик».

Яъни ўша наматдан ўтирганда ёнбошга суяш учун иккита болиш қилдик.

«Уларга лийф солдим».

Яъни икки болишнинг ичига хурмо пўстлогининг ички тарафидаги юмшоқ толалардан солдим.

«У зот буни менга айб санамадилар».

Чунки мато йиртилгач, ундаги суратлар ҳам парчаланиб кетади. Қолаверса, бу нарсалар болиш қилинганда ҳурматли жойга эмас, ёнбошга, паст жойга қўйилади, топталади.

Демак, пардаларда ҳам жонли нарсанинг сурати бўлмаслиги кепрак. Болиш ва шунга ўхшаш оёқ ости бўладиган нарсада бўлса, ҳечқиси йўқ. (“Ҳадис ва ҳаёт”. 16-17 жуз)

Энди мақолани ўқиши шу жойида тўхтатиб туриб, уйингиздаги меҳмонхонага киринг ва жавонга дикқат билан назар солинг. У ерда йиллаб савлат тўкиб турвчи, аммо бирор маротаба ҳам ишлатилмайдиган чинни, билур ва бошқа идишлар бор. Бир пайтлар уларнинг ичида энг муҳтарами кийимсиз аёл сурати туширилган «Мадонна» деб аталувчи идишлар тўплами эди. Алҳамдулиллаҳ, бугун у урфдан қолди. Аммо батамом эмас. Бугунда ҳам инсон ёки жонли нарсалар суратлари чизилган идишлар бисёр. Хусусан қошиқчаларни солишга мўлжалланган «Оқкуш» тимсолида ишланган идиш, туз ва мурч солинувчи «хўрзча»лар ва ҳоказо.

Ундан ташқари фойдаланаётган ва яна «яхши ният» қилиб олиб қўйилган тўп-тўп пар кўрпалар, чойшаб ва ёстиқ жилдларга қарант. Айниқса болаларга мўлжалланганида жонли нарсанинг сурати йўғини топиш ҳам мушкул. Агар шу нарсалар бор уйга фаришталар кирмаса, унда кимнинг уйига буғungi кунда фаришталар киряпти экан, деган савол туғилади. Улар жуда кам сонли кишилар бўлишса керак.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шойига ҳам, йўлбарсларга ҳам минманлар», дедилар».

Бошқа бир ривоятда: «Фаришталар йўлбарс териси бор рафиқлик-ла бирга бўлмаслар», дейилган.

Иккисини Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Яъни уловнинг эгари устига шойи ёки йўлбарс терисидан бўлган нарса солиб туриб, устига минманлар.

Шойи ва йиртқич ҳайвонлар терисидан фойдаланиш ҳақида аввал батафсил гапириб ўтганмиз.

«Фаришталар йўлбарс териси бор рафиқлик-ла бирга бўлмаслар», дейилган.

Бу ҳам бошқа миллатларнинг одати, ҳам манманлик сабаби бўлгани учундир.



Бу ҳадисни сизга эслатишдан мақсад тобора европалашиб бораётган бу кунимизда кўпчилик юртдошлиаримиз ҳашаматли уйларни қуриб, уларнинг ўртасига, яъни тўрга камин ўрнатишни ва унинг олдига бирор ҳайвон терисини солиб қўйишни ўзларига обрў деб ҳисоблашмоқда. Буни кўрган бошқалар эса айни ҳолатга ҳавас қилиб, такрорлашга шошиладилар. Ҳатто ишни қилиб қўйиб, кейин уни тўғирлагандан кўра, олдини олган мақул. Рўзгор юритиш ҳам бир санъат, деб бежизга айтишмаган. Пул топиш қийин, бирор уни тўғри сарфлаш унданда қийин. Рўзгорда ҳар бир нарсага эътиборли ва аҳамиятли бўлишни Яратганинг ўзи насиб айласин.

Умму Муҳаммад Билол

СУРМА – ҚАДИМИЙ КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРДАН БИРИ

Кўз учун қадимги косметик воситалардан бири ҳали ҳам сурмадир. Сурма (кохъл, кайал, каджал, куджал) қора модда бўлиб, Арабистон ярим ороли ва Шарқ мамлакатлари аёлларининг кўз ва қовоқ учун пардоз воситаси ҳисобланади. Сурма нафақат кўзни даволаш учун, балки машхур шарқ кўз пардозининг воситаси ҳамdir. Сурма — қора тошнинг кукун ҳолига келтирилган ва оддий канакунжут мойининг аралашмаси ҳисобланади.

Сурма сўзи туркча «сюрме», яъни «суртиш» «қора қошлар» маъноларини билдиради. Аммо сурма нафақат кўзлар ва уларнинг гўзаллигига урғу бериш учун балки кўз гигиенасини, кўриш қобилиятини яхшилаш учун ишлатилади. Ҳатто-ки, уни эмизикли болалар кўзларига суртишади. Максад эса кўриш қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда «ёмон кўз»дан сақлашдир. Араб сурмаси кукунининг ранглар жилоси турлича бўлиб, кўнгир қора, тўқ сиёҳрангдан тортиб, то мовий оқиш рангача бўлади. Сурма қуруқ ва суюқ ҳолда турли мойлар қўшилмаси билан бўлади. Асосан бодом ёғи ҳамда кўй ёғи қўшилади.

Хиндистонда, Ўрта Шарқда сурма конъюнктивит ва бошқа кўз касалликларини даволашда фойдаланилади. Кўз пардасининг яллигланиши ҳамда аллергияга қарши восита сифатида ҳам кўлланилади. Сурма кипприкларга зарар келтirmайди, балки уларни ўстириш хусусиятига эга. Сурма кўзларни ёркинроқ, каттароқ қилиб кўрсатади. Кўзнинг чарчаши ва касалликларга чалинишидан сақлайи. Чўл шароитида қора ранг қуёшдан сақланиш воситасидир.

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам сурмадан фойдаланганлар.

Иbn Аббос розияллоҳу анхўмодан ривоят қилинади:

«Албатта, сурмаларингизнинг яхшиси исмиддир. У кўзни равshan қилур ва киприкни ўстирур».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Термизий: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сурмадонлари бор эди. У зот ухлашдан олдин ундан ҳар бир кўзларига уч мартадан сурма сурар эдилар»ни зиёда қилган. Аллоҳ билгувчидир.

Сурма суртиш кўзнинг соғлиғига эътибор бериш рамзиdir. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бемор бўлмаган кўзга ҳам ҳар кеча ухлашдан олдин сурма қўйишлари у зотнинг соғлиқни сақлаш ишига қанчалик эътибор берганларини кўрсатади.

Гўзл тайёрлади.



КОВОКЛИ КРЕМ ШҮРВА

Kеракли масаллиқлар: 0,5 кг қовок, 2 дона қизил сабзи, 3 дона ўртача катталиқдаги картошка, 1 дона пиёз, 200 гр товук гүшти, 1 стакан сут, қаймоқ, туз ва зираворлар.

Тайёрланиши: товук гүштини қайнатишга қўямиз. Қайнаб чикқач, шўрвага сабзавотларни қўшиб қайнатамиз. Шўрвага таъбга кўра туз, зира ва кашнич уруғи қўшамиз. Шўрва бир соатларча қайнайди. Сўнг оловдан шўрвани олиб, блендер майдалагичдан 1 стакан сутни қўшиб майдалаймиз. Ликобчаларга шўрвани қўйиб, қаймоқ билан безаймиз ва дастурхонга тортамиз. Ёқимли иштаҳа!

Гўзал тайёрлади.



БОЛАЛАРДАН ТАҲОРАТ ОЛИШНИ ЎРГАНГАН ҚАРИЯ

Бир куни кекса мусулмон булоқ бўйида таҳорат қилар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари ҳазрати Ҳасан билан Ҳусайн роziяялоҳу анху шу ерда ўйнар эдилар. Қарасалар, қария таҳорат олишда янгишяпти. Болалар унинг ёнига келиб ўтиришиди. Қария таҳоратни тугаллаб, халтасидан сочиғини олиб артинар экан, болалар унга:

“Ассалому алайкум, Аллоҳнинг саломи сизга баҳшида бўлсин, ота. Таҳоратингизни Аллоҳ қабул килган бўлсин!” – дедилар.

Қария:

“Болаларим соғ бўлинг, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин”, - деди.

Унга болалар:

“Отажон, сиздан бир илтимосимиз бор. Биз ака-ука тарафдудланиб қолдик. Биз иккимиз таҳорат олсақда, сиз караб турсангиз. Қайси биримизнинг таҳоратимиз тўғри бўлур”, - деб болаларнинг ҳар иккиси таҳорат олдилар.

Қария дикқат билан уларни кузатди.

Болалар “қайси биришим тўғри таҳорат олдик, шуни айтиб беринг, токи бундан кейин янгиш таҳорат олмайлик. Биз сизни дуо қиласиз, бир калима ўргатсангиз, сизга савоби тегади. Буни сиз яхши биласиз, чунки ёшингиз улуғ, биз эса ёш болалармиз”, - дейишиди.

Мусулмон қария уларга:

“Болаларим иккалангизнинг ҳам таҳоратларингиз тўғридир. Иккингиз ҳам бир хил таҳорат олдингиз. Таҳоратни янгиш олган менман, бу ёшга келсам ҳам, тўғри таҳорат олишни ўрганмабман. Ҳозир сизлар менга тўғри таҳорат олишни ўргатдингиз. Соғ бўлинг, бор бўлинглар. Аллоҳ сизлардан рози бўлсин. Сиз кимнинг авлодларисиз, исмларингиз нима? Сиз менга кўп яхшилик қилдингиз”, - деди.

Болалар:

“Отамиз ҳазрати Алидир. Биз Ҳасан ва Ҳусайнлармиз. Бобомиз охир замон пайғамбари Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васаллам”, - дедилар.

Мусулмон қариянинг кўзларидан тасбех донаси каби ёшлар келди, кўп ҳаяжонланди, мамнун бўлганини билдиримок учун:

“Балли, балли... Ахлок-у одобингиз, динга бениҳоя уйғун қилган ишларингиз ва назокатингизга балли, болаларим. Офарин, улуғ пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари ва ҳазрати Алининг фарзандлари, Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳтарама қизлари Фотиматуз-Захронинг жигар поралари эканингиз одоб ва тарбиянгиздан билиниб турибди. Кўнглимни ҳеч оғритмай, менга таҳорат қилишни ўргатдингиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин”, - деб болаларни узоқ дуо қилди.



Мусулмон биродарим! Бу ҳикояда қанчалик ибрат ва ҳикмат бор эмасми?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севикили набиралари кекса одам билан қанчалик гўзлалоҳи сизларни тузатдилар, отахоннинг дуосини олдилар.

Биламизки, баъзи мусулмонлар масжидда янгиш намоз ўқиган биродарини кўриб, ҳатосини айтар экан, унга озор беради, кўнглини оғритади. Натижада ўзи гуноҳкор бўлади. Ҳар бир мусулмон назокат ва ирфон соҳиби бўлиши керак. Ширин сўзлик, очиқ юзлик ила хатоларни тузатмоқлари лозим. Мусулмоннинг хуш хулқи унинг ҳар бир сўзида, ҳар бир харакатида намоён бўлмоғи керак. Бўлмаса, савоб қилдим деб гуноҳ қилиб қўйиши мумкин. Аллоҳ ҳаммамизга Исломнинг назокат ва хуш феъллигини насиб қилсин!

Юсуф Товаслийнинг
«Ҳикматлар ҳазинаси» китобидан олинди.